


# ADOLAT



IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgzt.uz

www.adolatgzt.uz

www.adolat.uz

№ 22 (933)

2013-yil, 31-may, juma

**1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кuni**

Бу кун нафақат болаларнинг, балки катталарнинг ҳам байрами. Ахир катталар учун бола қувончини кўришдан ортиқроқ бахт борми!

1950 йилдан буён дунё бўйлаб халқаро байрам сифатида кенг нишонланадиган бу санани жорий этиш ҳақидаги қарор 1949 йилнинг ноябрь ойида Париж шаҳрида ўтказилган Аёллар Халқаро Демократик федерацияси йиғилишида қабул қилинган. БМТ ушбу ташаббусни маъқуллади ва аynи пайтда болаларнинг ҳуқуқларини, ҳаётини ва соғлигини ҳимоя қилишни ўз фаолиятининг етакчи йўналишларидан бири этиб белгилади.

Мамлакатимизда ҳам бу сана кенг нишонланади. Шу кун болалар учун истироҳат боғлари ва муассасаларда турли хилдаги хайрия акциялари, концертлар, учрашувлар, саёҳатлар ва кўнгилочар тадбирлар уюштирилади. Хусусан, яқинда байрамга тўхфа сифатида пойтахтимизда замонавий қулайликларга эга яна бир янги истироҳат боғи ишга туширилиши болалар қувончига қувонч улашди. Қарийб беш гектар майдонни эгаллаган "Болажон" боғида уч мингдан кўпроқ манзарали дарахт мавжуд. Сўлим гулзору яшил майсазорлар, музикали фавворалар боғнинг кўрғиқа кўрк қўшиш баробарида ёзда ҳарорат муътадиллигини таъминлайди.

Ўзбекистонда вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг мустақам ҳуқуқий тармоғи шаклланган бўлиб, у республика Конституцияси, Оила, Меҳнат, Жиноят кодекслари ва бошқа қонун меъёрлари билан кафолатланган. Қолаверса, мамлакатда болалар ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган қатор халқаро меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ратификация қилинган. "Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир чоралар тўғрисида", "Бутунжаҳон бола ҳуқуқлари", "Ишга



## Боланинг бегонаси бўлмайди

қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида", "Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги ва бошқа қатор Конвенциялар шулар жумласидандир.

Ушбу Конвенцияларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан Миллий ҳаракат режиси тасдиқланган бўлиб, у болаларнинг мажбурий меҳнатининг ҳар қандай шакл ва кўринишларига йўл қўйилмасликка, шунингдек, бу борада вазирлик, муассаса ва маҳаллий давлат ҳокимият идораларининг фаолиятларини мувофиқлаштиришга қаратилган.

Азалдан ўзбек халқи болаларини ҳалқ Саховатпеша инсонларимиз нафақат ўз фарзандларининг ташвишу қувончлари


билан банд, балки алоҳида меҳр-этиборга муҳтож, болалар уйда тарбияланаётган, гўдаклар уйда истикомат қилаётган ота-онасини йўқотган болаларни ҳам ардоқлайди, уларга иззат-икром кўрсатади.

Юртимизда шундай болаларнинг руҳий-жисмоний ҳолатини илмий-амалий таҳлил қилиш, улар билан ишловчи педагогларни қайта тайёрлаш, ҳимояга муҳтож болаларга ижтимоий ёрдамни таъминлашда миллий институтлар фаолиятини уйғунлаштириш билан шуғулланувчи алоҳида муассаса — Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ҳузуридаги Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ташкил эти-

лиши жаҳон миқёсида ўрганилмоқда, эътироф этилмоқда. Қолаверса, ота-онаси бўлмаган, жисмоний имконияти чекланган (ногирон) болалар, кам таъминланган ва нотинч оила фарзандларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида 2002 йилда ташкил этилган "Сен ёлғиз эмассан" нодавлат нотижорат хайрия жамғармаси ўзининг саховатпарлик, инсонпарварликка асосланган фаолияти билан халқимизнинг меҳрини қозониб келмоқда.

— "Сен ёлғиз эмассан" нодавлат нотижорат хайрия жамғармаси бошқа муассасалар билан ҳамкорликда Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кuni-

га бағишланган тадбирларни кўплаб уюштиради, — дейди жамғарма Матбуот котиби Дилноза Собирова. — Хусусан, жорий йил ҳам жамғарманинг ўқув марказида Обод турмуш йилига бағишланган "Биргаликда обод турмуш ва обод Ватан яратамиз" деб номланувчи Болалар Форумини ўтказдик. Тошкент, Чирчиқ, Бўка, Гулистон шаҳарларидаги меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, хизмат юзасидан ҳалок бўлган фуқароларнинг фарзандлари шахримиздаги энг кўркам боғлардан бири — "Тошкентленд"га олиб борилди.



## Ёшлар тарбияси депутатлар нигоҳида

### Фракция ташаббуси

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Адолат» СДП фракцияси томонидан Хоразм, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида «Ёшлар ўртасида зарарли иллатларнинг олдини олиш — соғлом жамият негизи» мавзусида давра суҳбатлари ташкил этилди. Тадбирларда келажагимиз эгаларининг мафқуравий иммунитетини шакллантириш, улар ўртасида ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигини ошириш, «оммавий маданият» хуружи, миллий қадрият ва қарашларимизга ёт бўлган зарарли унсурлар — одам савдоси, гиёҳвандлик каби иллатлардан ёшларни ҳимоя қилиш, шунингдек, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш каби мавзуларда сўз борди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси раҳбари Собир Турсунов мамлакатимиз мустақилликка эришганидан буён ёш авлодга замонавий таълим-тарбия бериш ишлари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланганини таъкидлади. Барча саъй-ҳаракатлар, интилишлар, ўзгариш ва янгиланиш жараёнлари ана шундай эзгу мақсадларга йўналтирилди. Истиқлолнинг илк йилларидаёқ "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши ҳам бежиз эмас.

Олдимизда турган энг эзгу мақсадларга эришишимиз янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқ. Ана шу мақсадларда мамлакатимизда ёш авлоднинг таълим-тарбияси, маънавий камолоти билан боғлиқ ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Катта ҳаётга қадам қўяётган ҳар бир йигит-қиз мамлакатимизнинг келажаги, ҳаётимизнинг давомчиларидир. Уларнинг дунёқарашини қандай шаклланиши, касбуналар маҳоратлари, миллат ва жамият олдидаги масъулиятларини нечоғли ҳис этишларини бугунги таълим-тарбияга, уларга кўрсатилаётган эътибор ва гамхўрликка боғлиқ.

Дунё шиддат билан ўзгариб бораётган, ахборот оламининг глобаллашуви натижасида ҳаётимизга, турмуш тарзимизга турли номақбул "анъана" ва "қадрият"лар ҳам кириб келаётган, ёшлар онги ва қалбини эгаллаш учун кураш авжга чиққан бир пайтда йигит-қизларимиз тарбиясига асло бефарқ қараб бўлмайди.



### Ҳуқуқий эксперимент

Миронкул — Самарқанд туманининг тоғолди қишлоқларидан. Бу ерда 3 минг нафардан ортиқ аҳоли истикомат қилади. Ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастуридаги ўрни алоҳида эътибор ва ёндашушни талаб этади. Чунки бу ерда давлат бошқаруви идоралари, сиёсий партиялар, маҳаллий кенгаш депутатлари биргаликда ҳал этишлари зарур бўлган вазифалар талайгина.

## Ташаббус кўрсатилди, жамоатчилик қўллаб-қувватлади

### ўзаро ҳамкорлик эса бошқарув фаолиятида очиқликни таъминлашнинг муҳим шарти

Шу боис "Адолат" СДП Самарқанд вилояти Кенгаши фаоллари, партиянинг маҳаллий Кенгашлардаги депутатлари Миронкулга ташрифлари чоғида кўпроқ одамлар билан мулоқот қилишга, уларни қизиқтираётган, ташвишлантираётган муаммоларга жавоб излашга ҳаракат қилишди. Мухожамалар жараёнида асосий эътибор давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари фаолиятида очиқликни таъминлаш ва бу борада тақлиф этилаётган қонун лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказилаётган Самарқанд вилоятидаги ижобий ишларни баҳолаш баробарида, тадбирнинг янада самарали натижалар бериши учун зарур бўлган шартларга қаратилди.

Ёки аниқроқ қилиб айтганда, ҳуқуқий экспериментнинг мувофақияти, биринчи галда унда жамоатчиликнинг, ҳар битта фуқаронинг иштироки билан ўлчаниши алоҳида мажбурий сифатида тилга олинди. Ва, шу асосда фуқароларнинг мазкур жараёнга дахлдорлигини кучайтириш, давлат бошқаруви идоралари билан очик, ошкора муносабатларни таъминлаш, улардан қонун доирасидаги мажбуриятларни талаб этиш, соғлом қарорлар қабул қилинишига эришиш қанчалик муҳим аҳамият касб этиши аниқ мисоллар ёрдамида тушунирилди.



## Зулфия Исломбекова:

### “Қалб ободлиги — соғлом ҳаёт инъикоси”

#### “Адолат”нинг адолатли аёллари


— Шу юртда туғилганимдан, шу элнинг фарзанди бўлганимдан бахтиёрман, — дейди Фарғона вилоят онкология диспансери бош шифокори, тиббиёт фанлари доктори Зулфия Исломбекова.

— Ўзбекистон — жаннатмонанд юрт. Одамлари фариштадек беғубор, сахий, меҳнатқаш. Бировга ҳасад қилмайди. Кўнгли поклигидан қилган ҳар бир яхши нияти амалга ошмасдан қолмайди. Мана ўзим болалигимда шифокор бўлишни орзу қилган эдим, ниятимга етдим. Эгалаган касбим туфайли эл орасида ҳурмат-эътибор топдим. Юртимизда кечаётган сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчилари сафига кирдим. Буларнинг барчаси биз аёлларга бўлган юксак ишонч, ҳурмат-эътиборнинг шарофати туфайлидир.

Юртимиз хотин-қизларни энг кўп улуғлаётган, қадрлаётган мамлакат



сифатида дунёга танилмоқда. Бунинг учун яратилган қулай муҳит, шарт-шароитлар бугунги ўзбек аёлининг обрўсини янада оширяпти. Шуҳратига шухрат қўшапти. Бу ҳол бизга, албатта, фахру ифтихор туйғуларини бағишлайди. Ҳар биримизни озод ва обод Ватан истиқболига хизмат қилишга руҳлантиради.



## “Адолат” билан ҳамкорлигимиз ўз самарасини бермоқда

### Инновация

Йигирма биринчи асрнинг дастлабки ўн йиллиги мамлакатлараро илм-фан ютуқлари алмашинуви жадаллашганлиги билан ҳам инсоният тарихида қоладиган бўлди. Айнан шу сабабли ҳаттоки ноқудай иқлимга эга ёки табиий ресурслари чекланган давлатларда саноат ўсиши кузатилаётган. Шу билан бир қаторда, интеграция жараёнлари кучайганлиги туфайли янги-янги техника жиҳозлари аҳоли турмуш тарзига кириб келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ўша жиҳозларни тушуниш, уларни ишлатиш ва керак бўлса, таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун истеъмолчидан фикрлашни, яратишни, иқтидорни талаб этади.



## Партия ҳаёти

### Бошланғич ташкилот — партия негизи

Мамлакатимизда амалга ошириладиган ислохотлар, қабул қилинаётган қонун ва қарорлар моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, фуқароларда бу жараёнларга нисбатан дахлдорлик ҳисси ва қатъий фуқаролик позициясини шакллантириш, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг жамиятда ижтимоий адолатни қарор топтириш, қонун устуворлигига эришиш, инновацион иқтисодиётни ташкил этиш, муқобил энергия манбаларини ривожлантириш каби дастурий ғояларини тарғиб этиш, бу халқчил ғояларга сайловчиларни ишонтиришда Андижон шаҳар партия кенгаши ҳузуридаги қуйи ташкилотларнинг ўзига яраша ўрни бор.



## Андижонлик фаоллар ҳамisha халқ орасида

Бу йўлда партия мавқеини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётган «Яхши», «Хурсандлик», «Озодлик» каби маҳаллалардаги, вилоят «Сувоқова» ОАЖ ҳамда «Андижон нарийёт-матбаа» ОАЖдаги, Андижон давлат тиббиёт институти клиник шифонасидаги БПТ фаолиятини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Биргина «Хурсандлик» маҳалласидаги бошланғич ташкилоти аҳолининг кам таъминланган ижтимоий қатлами оғирини енгиллаштириш борасида биринчи хайрли ишларни амалга оширди. Шу йилнинг ўтган даври ичида 15 нафар кам таъминланган оилалар вакиллариغا саломатликларини тиклаш учун тегишли идоралар кўмагида бепул тиббий йўлнамалар ажратилди.

Шу билан бирга, уларнинг ташаббуси билан она ва бола соғлиғини мустаҳкамлаш, ёшларни спортга жалб қилиш мақсадида турли мусобақалар уюштирилмоқда. Бу ерда кўпчиликка ўрнак бўлаётган БПТ, аввало, жамият аъзолари орасида партия мавқеини мустаҳкамлаётган бўлса, иккинчидан, аъзолар ва тарафдорлар сонини кўпайтирмоқда. Ҳар бир йиғилишда мамлакатимиз

ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид янгиликлар таҳлил этилади. Фаоллар таклифлари асосида партия дастурида белгиланган ғояларга асосланган ҳолда касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш, касаначиликни ривожлантириш орқали бандликни таъминлашга доир масалалар жамлиниб, туман кенгашига тақдим этилади.

Сиёсий тарғибот ишлари ҳам алоҳида эътиборда. Маҳаллада БПТ учун алоҳида хона ажратилган. Бу ердаги сиёсий адабиётлар, турли хилдаги тарғибот материаллари маслакдошлар фаолиятини йўлга қўйиш, уларнинг билим ва тафаккурини бойитишда кўл келмоқда. Аммо бундай натижаларга осонликча эришилмаганини ҳам айтиш керак.

Ўз навбатида, партиянинг дастурий мақсад ва вазифалари «Обод турмуш йили» Давлат дастури билан ҳар жиҳатдан ҳамохан эканлиги БПТга куч-қувват бахш этаётганини таъкидлаш жоиз.

Андижон давлат тиббиёт институти клиник шифонасидаги қуйи бўғин фаоллари томонидан ташкил этиб келинаётган

«Мустаҳкам оила — жамият таянчи», «Ёшлар ОИТСга қарши», «Соғлом авлод — жамият таянчи» каби тадбирлар кенг жамоатчиликка, айниқса, ёшларга манзур бўлмоқда. Бундан ташқари, бу ерда БПТ фаоллари талабалар манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида институт касаб-ушумаси билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

— Зиммамиздаги масъулият ҳамisha фаолликка ундайди, — дейди қуйи бўғин етакчиси У.Хусанов. — Фаолларимиз депутатлик гуруҳи билан ҳам мустаҳкам алоқа ўрнатган. Улар билан биргаликда маҳалла ва ташкилотларда «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида репродуктив саломатлик, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги ишларни назорат қилиш, унинг мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, ёшлар орасида кенг тарғиб этишга эътибор қаратилмоқда. Бундан ташқари, фаолларимиз ўз ихтисосликларидан келиб чиқиб соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, турли касалликларнинг олдини олиш борасида аҳлидан ўз маслаҳат ва кўрсатмаларини аямаяптилар. Хусусан, фа-

олларимиз аҳоли орасида йод танқислигининг олдини олиш юзасидан қатор ташаббусларни илгари суришмоқда. Уларнинг ташаббуси билан худуддаги савдо шохобчаларида сотилаётган тузнинг йодланганлик миқдори текширувдан ўтказилиб, мавжуд камчиликларни тўғрилаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Уларнинг амалий ишлари билан халқ ишончини қозонган мазкур бошланғич партия ташкилотлари фаолияти туфайли «Адолат» ғояларига хайрихоҳ ёшлар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Ана шундай қуйи бўғинлар кўрсатишларини таъминлаш мақсадида кўнчилик асоси йилда-йилга ривожлантириляпти. Қолаверса, партия етакчиси хуқуқий билимдон бўлмаса, у яхши тарғиботчи бўла олмайди. Акс ҳолда, партиялар ўртасидаги соғлом рақобат кучаяётган бир шароитда орқада қолиб кетиш ҳеч гап эмас.

«Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати бўлим бошлиғи А.Самеджанов сиёсий модернизациянинг ҳозирги босқичида партия дастурий вази-

## Хуқуқий асосларга бағишланди

### Сиёсий ўқиш

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгашининг туман партия ташкилотлари раислари учун ташкил этган навбатдаги сиёсий ўқув «Сиёсий партиялар фаолиятининг хуқуқий асослари» мавзусида бўлди.

Партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппаратида ташкил этилган мазкур тадбирда «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ҳамда «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонун талабларидан келиб чиқадиган вазифалар, шунингдек, фаолиятга доир хуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти яна бир бор кенг муҳокама қилинди. Ва шу асосида фаолият танқидий-таҳлилий кўриб чиқилди.

— Жорий йилнинг ўтган ойлари давомида жойлардаги партия етакчиларининг сиёсий-хуқуқий билимларини оширишга қаратилган 5 та ана шундай сиёсий савдонлик кўнчилиги ташкил этдик, — дейди Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши раиси П.Парманова. — Навбатдаги семинар сиёсий партиялар фаолиятининг хуқуқий асосларига бағишлангани бежиз эмас, албатта. Чунки мамлакатимиздаги сиёсий партияларнинг демократик таломийлар асосида фаолият кўрсатишларини таъминлаш мақсадида кўнчилик асоси йилда-йилга ривожлантириляпти. Қолаверса, партия етакчиси хуқуқий билимдон бўлмаса, у яхши тарғиботчи бўла олмайди. Акс ҳолда, партиялар ўртасидаги соғлом рақобат кучаяётган бир шароитда орқада қолиб кетиш ҳеч гап эмас.

«Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати бўлим бошлиғи А.Самеджанов сиёсий модернизациянинг ҳозирги босқичида партия дастурий вази-

фаларини такомиллаштириш зарурати ҳусусида сўз юритар экан, мамлакатимиз сиёсий тизимида олиб борилаётган янги ислохотлар, уларнинг мазмун-моҳияти, сиёсий партиялар фаолиятга оид хуқуқий меъёрлар, кейинги вақтларда сиёсий партиялар ўртасида кучайиб бораётган ўзаро рақобат ҳақида атрофлича тўхталиб ўтди.

— Социал-демократия ҳозирги замоннинг энг таъсирчан ва кучли мафкураларидан бири бўлиб, у ижтимоий ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш йўли билан жамиятнинг ривожлантириш ва халқ фаровонлигини оширишни назарда тутди, — деди маърузачи. — Ижтимоий адолат ва ижтимоий ҳамкорликка асосланган мазкур сиёсий йўналиш жамиятда турли гуруҳ ва қатламларнинг тинч-тотув, аҳил ҳаёт кечириши, миллатлараро ва динлараро бағрикенглик тарафдори бўлиб, ташқи сиёсатда бошқа мамлакатлар билан ўзаро тенг хуқуқий ҳамкорликни ёқлаб чиқади. Ўзбекистон «Адолат» СДП устави ва дастурларида ҳам социал-демократиянинг асосий таломийлари ўз аксини топган. Шуниси диққатга сазоворки, партияимиз мафкураси хорижий мамлакатлар амалиётида тўп-ланган илғор замонавий тажрибаларни буюк аждодларимиз яратган фозил жамият барпо этишга доир миллий фалсафий мерос билан уйғунлаштириш асосида ишлаб чиқилган.

Тадбирда мамлакатимизда амалга ошириладиган сиёсий модернизация жараёнлари талабларидан келиб чиқиб, барча худудий ташкилотларда ички

партиявий маданиятни шакллантириш, маҳаллий депутатлар ва партия фаолларининг жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишдаги ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш, партиянинг муҳим бўғинлари ҳисобланган — «Ёш адолатчилар» ва «Аёллар қаноти», бошланғич партия фаолияти самарадорлигига эришиш зарурлиги таъкидланди. Баъзи туман партия ташкилотлари томонидан йўл қўйилаётган камчиликлар, айрим туман кенгашлари раисларида кузатилаётган масъулиятсизлик, кадрлар орасида сиёсий билим ва кўнчиликлар етишмаслиги ҳолатлари танқид остига олинди.

Шунингдек, партия кадрлари сиёсий билимини юксалтиришга қаратилган янгидан-янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш, корпоратив маданиятни шакллантириш, партиявий фаолиятнинг ҳар соҳасида кадрлар фаолиятини ошириш ва уларнинг бошқарув маҳоратини орттириб бориш юзасида қатор таклифлар билдирилди.

— Ташкил этилган навбатдаги сиёсий ўқувда эришяётган ютуқларимизни ҳам таҳлил қилдик, фаолиятимизда учраётган баъзи камчиликлар юзасидан ўзаро фикр алмашдик, — дейди Учтепа туман кенгаши раиси Ф.Эшонқулов. — Бундай ёндашув келгуси муваффақиятларимизга замин яратади. Уйлайманки, сиёсий ўқувларнинг ташкил этилаётганлиги партия етакчилари фаолиятининг самарадорлигини оширишда ўзига хос дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

Тадбир сўнггида келгусида амалга оширилиши лозим бўлган масалалар ҳам муҳокама қилиниб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Ойбек ТОЖИБОВ,**  
Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот котиби



# Pharmed sanoat

хусусий корхонаси жамоаси

хур диёримиз фарзандлари бўлмиш болажонларимизни

1 июнь — Халқаро болаларни

ҳимоя қилиш куни

билан муборакбод этади!

Хонадонларимиздан кичкинтойлар кўлгуси ҳеч қачон аримасин, жажжи ўғил-қизларимизни байрам шўкўҳи асло тарк этмасин.

БОЛАЖОНЛАРИМИЗ КЎЗЛАРИДА ДОИМО ҚУВОНЧ НУРЛАРИ ЧАҚНАБ ТУРСИН!

# Ёшлар тарбияси депутатлар нигоҳида

Давоми. Боши 1-бетда

Тарбия борасидаги бир кунлик бефарқлик кейинчалик жиддий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин, — дейди фракция раҳбари Собир Турсунов. — Шу боис ёшлар тарбияси, уларни ҳар жиҳатдан барқамол қилиб тарбиялаш фақат ўқув юртлири педагог-мураббийларининг эмас, бутун жамаиятининг — оила ва маҳалланинг, ёшлар уюшмалари, сиёсий партиялар, давлат ва нодавлат ташкилотларининг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Замонавийлик, тезкор тараққиёт билан ҳамқадам бўлиш ёшларимизнинг ҳаёт тарзига айланаётган бормоқда. Албатта, бу қувонарли ҳол. Чунки бир неча тилда бемалол сўзлаша олиш, интернет оламга кириб, дунё ангилликларидан бохабар бўлиш имкониятининг мавжудлиги уларнинг билими, дунёқараши кенгаётганидан дарак беради. Бироқ глобаллашув жараёнида турли гоғлар кураши, ахборот хуружлари, мафкуравий таътиқлар тобора авж олаётгани сир эмас. Бугун арзimasдек туолган кичик хабар ҳам одамларнинг, айниқса, ёшларнинг ҳаётини ўзгартириб юбориши ҳеч гап эмас.

Айни пайтда дунёда демократия ва эркинлик, ошкораликнинг «ягона стандарт»и зўр бериб тарғиб қилаётган бузғунчи кучлар инсонлар онгига таъсир кўрсатишнинг турли йўлларида фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. «Оммавий маданият» ана шу йўлда жуда муҳим вазифани — инсон маънавиятини йўқотиш орқали уни бўйсундиришга хизмат қилади. Уларнинг фикрича, ҳар бир миллат, мамлакатнинг миллий маданияти, маънавияти ва қадриятлари «оскилик» сарқити бўлиб, улар кўз-кўз қилаётган «маданият» эса инсон ҳуқуқларини чеklangидиган, ҳар ким эркинлигини бемалол фойдаланишга асосланган эмиш.



Аслида «оммавий маданият» соясида кириб келаётган ахлоқсизлик, беҳаёлик, зўравонлик ратия ва эркинлик, ошкораликнинг «ягона стандарт»и зўр бериб тарғиб қилаётган бузғунчи кучлар инсонлар онгига таъсир кўрсатишнинг турли йўлларида фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. «Оммавий маданият» ана шу йўлда жуда муҳим вазифани — инсон маънавиятини йўқотиш орқали уни бўйсундиришга хизмат қилади. Уларнинг фикрича, ҳар бир миллат, мамлакатнинг миллий маданияти, маънавияти ва қадриятлари «оскилик» сарқити бўлиб, улар кўз-кўз қилаётган «маданият» эса инсон ҳуқуқларини чеklangидиган, ҳар ким эркинлигини бемалол фойдаланишга асосланган эмиш.

Мамаклатимиз аҳолисининг катта қисмини ёшлар ташкил этади. Шу боис «оммавий маданият» таҳдидига қарши тура олиш тобора долзарб аҳамият касб этаётир. Президентимиз «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарида бу масалага тўхталиб, ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига кат-

та ҳавф солмоқда, дея алоҳида таъкидлайди. «Оммавий маданият»ни тарғиб қилаётган ғаразли кучларга аслида ҳеч қандай маданият ва инсон маънавияти, ахлоқий қоида-ю қадриятларнинг асло кераги йўқ. Уларнинг стратегик режа ва сиёсий мақсадларига эришиш, айрим мамлакатларнинг ер ости, ер усти бойлиқларига эга бўлиш, ўз исмига солиш учун бу бир восита, ҳолоқат билан бу билан айтилганда, ҳамма нарсага эркинлик, нуктаи назаридан қарайдиган «оммавий маданият»нинг асосий мақсади — одамнинг иродасини сусайтириш, ўзининг ҳаётига, атрофидиган одамларга қарши қўйиш ва охири-охирида эркинлигидан жудо қилишдир.

Юлдуз РАҲМОНОВА, Урганч давлат университети «Тарих» кафедраси ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди:

— Юртбошимиз шу йил 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини журналистлар билан суҳбатда кўнни Афғонистондаги вазият ҳақида фикр билдирар экан, Афғонистон халқини, унинг тарихини, маданиятини, диний-миллий қадриятларини топташ эмас, аксинча, ҳурмат қилиш йўли билангина турли миллат ва элларни бир-бирига яқинлаштириш, у ерда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш мумкинлигини алоҳида таъкидлади. Ушбу фикрнинг ўзиёқ халқнинг маънавиятини менсимаслик, «оммавий маданият»ни кенг ёйиш қанчалик аянчи оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлигини исботлайди.

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ умумбашарий ва демократик қадриятларни чуқур ўзлаштирган ҳолда барпо этилаётган ҳуқуқий ва демократик жамят қуриш йўли бугун ўзини тўла оқламоқда. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, фикрлар ранг-баранглиги, ҳар бир халқнинг аъна ва қадриятларига эҳтиром кўрсатиш жамятимизнинг энг муҳим тамойиллари этиб белгиланган.

Уйлайманки, сиёсий партиялар, шу жумладан, Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоларининг жойларда ёшлар ва талабалар билан ўтказиётган тадбирлари вояга етаётган ҳар бир ёш авлодни кучли мафкуравий имунитет ва юксак маънавиятга эга шахс сифатида тарбиялаш ишига хизмат қилади. Хусусан, Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали ва Урганч давлат университети талабаларининг фракция аъзоларига ўзларни қизиқтирган саволлар билан дадил мурожаат қилаётганликлари ҳам соғлом «турмуш» тарзини қарор топтириш, ёт иллатларга қарши курашишда ёшларимизнинг фаоллиги ошганидан далolat беради.

Фаррух АБДУСАМАДОВ



# Эл-юрт ишига камарбаста

Депутат ва ҳаёт

Халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси депутатлик гуруҳи мамлакатимизда қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, аҳоли манфаатларини муҳофазо этиш, уларнинг муаммолари ўз вақтида халқ қилинишига кўмаклашишда фаоллик кўрсатишмоқда. Бунда, албатта, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари билан ўзаро ҳамкорлиги катта аҳамият касб этмоқда. Депутатлик гуруҳи раҳбари, Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати аъзоси Гулчеҳра Сатторова билан суҳбатимиз чоғида бунга яна бир қарра амин бўлдик.

— Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамятини ривожлантириш концепциясида сиёсий партиялар, шунингдек, аҳоли ўртасида уларнинг қиёфасини белгиловчи депутатлар зиммасидаги вазифа-депутатлар ҳам аниқ-равшан белгиланган берилган, — дейди Г.Сатторова. — Мазкур вазифаларни бажариш борасида биз депутатлар ҳам партияимиз дастури асосида фаолиятимизни «такомиллаштиришга, тарғиботини» янги шакл ва усулларидан фойдаланишга ҳаракат қилаёмиз. Мамлакатимизда фуқаролик жамятини ривожлантириш, юрдошларимизнинг янада фаровон турмушини таъминлашга жуда катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Уларнинг муваффақиятли амалга оширилиши эса сўзсиз халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳамда улардаги депутатлар фаолиятининг изчиллигига бевосита боғлиқ. Зеро, сайловчи ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳаётий муаммолар ечимини ўз вақтида халқ этиш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, мамлакатимиз Президенти ва ҳукуматининг фармон ҳамда қарорлари ижросини назорат қилиш, уларнинг аҳоли ўртасидаги кенг тарғиботига жиддий эътибор бериш бугунги кунда ҳар бир депутат зиммасидаги долзарб ва масъулиятли вазифадир.

Халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашидаги беш кишидан иборат Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси депутатлик гуруҳи аъзолари буни ҳар дамда ҳис этиб туришибди. Улар аҳолининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий фаоллигини ошириш, партияимизга ишончини мустаҳкамлаш мақсадида сайловчилар билан мулоқотнинг турли шакл ва усулларидан самарали фойдаланишапти. Депутатларнинг қабул қилган, сайловчилар билан учрашувлари ва турли оммавий сиёсий тадбирларда улар томонидан кўтарилаётган муаммолар ўз ечимини топапти.

Сайловчиларнинг тақлифлари юзасидан вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларига, тегишли ташкилотларга депутатлик сўровлари юборилиб, назорат қилинмоқда. Йилнинг ўтган даврида юборилган 16 та сўровдан 14 таси ижобий ҳал этилди.

Депутатлик гуруҳимиз фуқароларнинг ўз-ўзаросидан унунлиқ фойдаланишларини янада ташкил қилиш, маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини барпо этиш орқали аҳоли, айниқса, касб-хунар коллежалари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш каби вазифаларнинг жойлардаги ижроси ҳар ойда назорат қилиб борилаётган бўлиши билан депутатлик гуруҳимизнинг изчиллигига бевосита боғлиқ. Зеро, сайловчи ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳаётий муаммолар ечимини ўз вақтида халқ этиш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, мамлакатимиз Президенти ва ҳукуматининг фармон ҳамда қарорлари ижросини назорат қилиш, уларнинг аҳоли ўртасидаги кенг тарғиботига жиддий эътибор бериш бугунги кунда ҳар бир депутат зиммасидаги долзарб ва масъулиятли вазифадир.

Халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси депутатлик гуруҳи мамлакатимизда қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, аҳоли манфаатларини муҳофазо этиш, уларнинг муаммолари ўз вақтида халқ қилинишига кўмаклашишда фаоллик кўрсатишмоқда. Бунда, албатта, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари билан ўзаро ҳамкорлиги катта аҳамият касб этмоқда. Депутатлик гуруҳи раҳбари, Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати аъзоси Гулчеҳра Сатторова билан суҳбатимиз чоғида бунга яна бир қарра амин бўлдик.

— Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамятини ривожлантириш концепциясида сиёсий партиялар, шунингдек, аҳоли ўртасида уларнинг қиёфасини белгиловчи депутатлар зиммасидаги вазифа-депутатлар ҳам аниқ-равшан белгиланган берилган, — дейди Г.Сатторова. — Мазкур вазифаларни бажариш борасида биз депутатлар ҳам партияимиз дастури асосида фаолиятимизни «такомиллаштиришга, тарғиботини» янги шакл ва усулларидан фойдаланишга ҳаракат қилаёмиз. Мамлакатимизда фуқаролик жамятини ривожлантириш, юрдошларимизнинг янада фаровон турмушини таъминлашга жуда катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Уларнинг муваффақиятли амалга оширилиши эса сўзсиз халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳамда улардаги депутатлар фаолиятининг изчиллигига бевосита боғлиқ. Зеро, сайловчи ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳаётий муаммолар ечимини ўз вақтида халқ этиш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, мамлакатимиз Президенти ва ҳукуматининг фармон ҳамда қарорлари ижросини назорат қилиш, уларнинг аҳоли ўртасидаги кенг тарғиботига жиддий эътибор бериш бугунги кунда ҳар бир депутат зиммасидаги долзарб ва масъулиятли вазифадир.

Халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашидаги беш кишидан иборат Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси депутатлик гуруҳи аъзолари буни ҳар дамда ҳис этиб туришибди. Улар аҳолининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий фаоллигини ошириш, партияимизга ишончини мустаҳкамлаш мақсадида сайловчилар билан мулоқотнинг турли шакл ва усулларидан самарали фойдаланишапти. Депутатларнинг қабул қилган, сайловчилар билан учрашувлари ва турли оммавий сиёсий тадбирларда улар томонидан кўтарилаётган муаммолар ўз ечимини топапти.

Сайловчиларнинг тақлифлари юзасидан вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларига, тегишли ташкилотларга депутатлик сўровлари юборилиб, назорат қилинмоқда. Йилнинг ўтган даврида юборилган 16 та сўровдан 14 таси ижобий ҳал этилди.

корликда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига «Вилоятда энергияни тежаш мақсадида мубоқил энергия турларидан фойдаланишни ташкил этиш ва қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш ҳақида»ги масала киритилиши режалаштирилган.

Гулчеҳра Сатторованинг сўзларини тинглаб, Кармана туманидаги раҳбарлик қилаётган 4-сонли умумтаълим мактабда жойлашган депутат қабулхонасида бўлдик. Бу ердаги сайловчилар учун яратилган шароитлар, депутат фаолиятининг режа асосида, қатъий тартибда олиб борилиши эътиборимизни тортди. «Семинар мурожаатлари», «Фуқароларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатлари», «Сенатга ҳисоботлар», «Тадбирлардаги маърузалар», «ОАВлардаги чиқишлар», «Партия дастурий вазифалари...» Фуқаролар қабул қилиб ҳар ойнинг учинчи жума кунини белгиланган. Депутат қабулхонаси билан танишар эканмиз, уларда депутат фаолияти тўла ўз ифодасини топадиган гувоҳ бўлдик.

Депутатлар ўз фаолиятида ОАВ имкониятларидан ҳам самарали фойдаланаёпти. Масалан, шу йилнинг март, апрель ойларида вилоят телевидениеси ва газеталарида «Йул ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиши ҳақида»ги, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оксоқол) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ҳамда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти тўғрисида чиқишлар қилиниб, қонунлар мазмун-моҳияти тарғиб қилинди.

Депутатлик гуруҳи фаолияти ягона мақсадга — фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини муҳофазо қилиш, уларнинг фаровон ҳаёт кечиришларини таъминлашга қаратилган билан эътиборлидир. Зотан, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг жамятда муносиб ўрин эгаллашларига кўмаклашиш каби кенг қўламли вазифаларни муваффақиятли бажаришда маҳаллий вакиллик органи вакилларининг фаоллигини янада ошириш қутилган самарани беради.

Олим Хўжаев  
Навоий вилояти

# Ташаббус кўрсатилди, жамоатчилик қўллаб-қувватлади

ўзаро ҳамкорлик эса бошқарув фаолиятида очиқликни таъминлашнинг муҳим шарти

Давоми. Боши 1-бетда

— Сиз билан учрашувга партияимиз дастуридаги салмоқли вазифани — бошқарувда ҳисобдорликни таъминлаш, ҳар бир фуқаро томонидан назорат қилиб бориладиган «электрон ҳукумат»ни шакллантириш, ахборот ва маълумотлар базасининг очиқлигига эришиш масалаларини биргаллик муҳокама этиш учун тўлланганмиз, — деди Ўзбекистон «Адолат» СДП Самарқанд вилояти Кенгаши раиси Махмуд Бобоёров. — Шу боис бизга худуднинг муаммолари ва уларни ҳал этишга ҳалқат бераётган тўсиқлар, расмиятчиликлар ва ижро бўғинидаги ваколатда номуносиб ҳолатлар ҳақида гапирсангиз, ҳар томонлама фойдали бўлар эди.

рувда хабардорлик, фуқаро мурожаатларига ўз вақтида жавоб қайтариш бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказилаётган экан, бизнинг талабимиз инобатга олинди.

— Шак-шубҳасиз, — деди саволга жавобан партия вилоят Кенгаши раҳбари. — Фақат сиз мурожаатни кимга ва қачон йўллаганингиз ва ижрону назорат қилиб боришга ваколатингиз борлигини билсангиз, фойдадан холи бўлсангиз. Мана энди депутатларимиз ҳам бу борада сизнинг мурожаатларингиз аниқ натижа бериши учун зарур таъсир чораларини ишга солишадим.

Миронкулда яшовчи яна бир фуқаро, меҳнат фаҳрийси Асрор Мўминов маҳаллага табиий газ етказиб беришда асосий узилишлар бўлаётгани ва бу борада икки томонлама мажбуриятларга амал қилиш ўрнига монополиячилик кайфияти устунлик қилаётгани, тўлов қондалари бузилаётганилиги ҳақида ўз эътирозларини баён этди. Бу масала юзасидан ҳам «Марказга таъминот»нинг туман бўлимини хабардор этиш ва ижрону назорат қилишнинг депутатлар ўз зиммаларига олишди.



Миронкулдаги 28-умумтаълим мактаби директори Акбар Олимов партия фаоллари, депутатлар билан шундай юзмаюз мулоқотлар долзарб ижтимоий муаммоларга ечим топишга кўмаклаша олиши ва энг муҳими, фуқароларнинг қонун устуворлигига ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлади.

Узбекистон «Адолат» СДП Самарқанд туман кенгаши раиси Зухра Қуддусова ижро ҳокимиятининг веб сайти ва бошқарув идоралари электрон алоқа тизимидаги интерактив хизматлар танаффуссиз ишлаётганилиги, раҳбар ходимларнинг фаолиятида очиқликни таъминлаш бўйича ҳисоботлари баён этди. Бу масала юзасидан ҳам «Марказга таъминот»нинг туман бўлимини хабардор этиш ва ижрону назорат қилишнинг депутатлар ўз зиммаларига олишди.

конун лойиҳаси фуқаролик позицияси, ҳуқуқий саводхонлик ва сиёсий баҳс маданиятини шакллантириш, давлат бошқаруви идоралари билан қонунларга асосланган мулоқотни қарор топтиришга ёрдам беришини таъкидлади.

Мулоқотлар жараёнида партия фаоллари, депутатлар учрашув иштирокчиларини очиқ-ошкора фикр юритишга, муаммолардан кўз юммасликка даъват этдилар ҳамда уларни қизиқтирган қўллаб-қувватларга жавоб қайтардилар.

Демак, бошқарув идоралари фаолиятида очиқликни таъминлаш бўйича ҳуқуқий эксперимент доирасидаги ҳар битта мулоқот фуқароларга ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини англаб олишларига хизмат қилади.

Зоҳир Тўрақулов,  
«Adolat» муҳбири

# Боланинг бегонаси бўлмайди

Давоми. Боши 1-бетда

Умуман олганда, болалар муносиб маданий ҳордиқ чиқаришлари учун нафақат байрам пайтлари, балки йил давомида турли хил экскурсия, концерт, кўргазмалар ўтказилиб турилади.

Ёшлар, вояга етмаган болаларнинг тақдири, уларнинг ижтимоий ҳимояси масаласи Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясини ҳам бефарқ қолдирмаган. Яъни партия мамлакатимиздаги Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига асосланган таълим тизимининг энг яхши аънаваларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш тарафдори-

дир. Хусусан, партиянинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси депутатлари, худудий Кенгашлари аъзолари ташаббуси билан ўтказиладиган аксарият тадбирларда республикамиздаги иқтисодиёт тармоқлари, давлат ва нодавлат ташкилотларида фаолият юритишни учун муваффақият таъминлашга мўлжалланган ўртамаксус, касб-хунар коллежаларида ўқувчиларга амалий ва мақсадли таълим бериш, «корхона — ота-она — ўқув муассаси» кўринишидаги уч томонлама шартнома имзолаш механизмининг ҳуқуқий асосини янада такомиллаштириш хусусида кўп бора қайд этилади. Шунингдек, партия жонқуярла-

ри боланинг дастлабки онги шаклланишида мактабгача таълим муассасаларининг ўрни ва роли жуда муҳим, шу сабабли уларда фаолият юритаётган педагогларнинг малакасини ошириш масаласини бир маромга келтириш зарурлигини илгари сурмишмоқда.

Бола азиз, у келажак эгаси. Болани бугун асраб-авайлаб, унга муносиб таълим ва тарбия берилса, моддий ҳамда маънавий қўллаб-қувватланса, эртага у жамят қорига ярайдиган, мустақил фикрловчи шахс сифатида шаклланади.

Саодат СОДИҚОВА,  
«Adolat» муҳбири

# “Адолат” билан ҳамкорлигимиз ўз самарасини бермоқда

Давоми. Боши 1-бетда

Янгиликка интилувчан, энг фаол гуруҳ бу, албатта, ёшлардир. Яратувчанликка қизиқиши бўлган ёшлардан келгусида олимлар, ихтирочилар, кашфиётчилар чиқади. Бундай ижод масканлари эса мактаб, коллеж, лицей ҳамда олий ўқув юртрадидир.

Бизнинг Фаргона политехника институтидида кўплаб ёш ўқитувчилар ўқув даргоҳимиз ташкил этилган пайтдан бошлаб йирик илм-фан ўқорларида фаолият кўрсатаётган ҳам намояндаларининг мактабларида таълим олишган. Бугунга келиб эса уларнинг ўзлари устозга айланишди. Шу билан бир қаторда, иқтидорли, изланувчан профессор-ўқитувчиларимиз, талабаларимиз давр талабидан келиб чиқиб, ҳозирги пайт учун инновацион ғоялар, янгиликлар ва ихтиролар зарур эканлигини тушуниш ҳолда кўтаринки руҳда фаолият юритмоқдалар. Айниқса, “Адолат” СДП аъзолари билан кўлни кўлга бериб меҳнат қилишнинг ўз самараларини бермоқда. Чунончи, муқобил энергия манбаларининг янги конструкцияларини ишлаб чиқиш ва мавжудларини ҳаётга татбиқ этиш борасидаги кенг қўламли ишлар айнан “Адолат”чилар билан ҳамкорликда олиб борилмоқда. “Энергия тежамкорлиги ва муқобил энергетика”ни жорий этиш “Адолат” партиясининг “Обод турмуш йили”даги фаолиятининг устувор йўналиши эканлиги ҳам бежиз эмас.



моқда. Жумладан, танланган ёруғлик нурида ишлайдиган, юқори самарадорликка эга бўлган фототермоэлектрик энергия манбаларининг янги конструкцияларини яратишни олайлик. Ушбу лойиҳа асосида яратиладиган фототермоэлектрик энергия ўзгаришчилар ўзининг жуда юқори фойдали иш коэффициентини билан ҳозирда мавжуд бўлган ўзгаришчилардан кескин фарқ қилади.

Шунингдек, ўқув даргоҳимизда фермер хўжалиқлари учун мужассамланган қуёш фототермогенераторлари яратиш устида кўзгин иш олиб борилмоқда. Бу лойиҳа амалиётга татбиқ этилгандан сўнг, Фаргона водийси фермер хўжалиқлари учун насос станцияларида ав-

тартибда истиқомат қилувчи аҳоли уйларида ишлатилиш учун мўлжалланган.

Ўқув даргоҳимизда лойиҳалаш ишлари якунланган захира манба сифатида ишлатиладиган мужассамланган қуёш фототермоэлектрик қурилманинг асосий афзаллиги шундаки, у эксплуатация учун ҳеч қандай сарф-ҳаражат талаб қилмайди ва бир неча ўн йил давомида қафолатли хизмат кўрсатади.

Яна бир инновацион янгилик — ТРМ-202 типли контроллер-микрпроцессор ёрдамида пахта тоаларини жамлаш тизимини модернизациялашдир. Бу ғоя асосида микропроцессор техникаси қўллаш орқали пахта тоаларини қоплаш усулининг мутлақо янги технологияси тавсия этилмоқда. Бунда иш жараёнининг автоматлаштирилиши ва бутун қоплаш жараёнида аниқлиқ таъминланиши асосий мақсаддир.

Институтимизда бунёд этилган ва фақат қуёш нуридан энергия олиб ишлайдиган сув иситкичлар хонадонларда маиший эҳтиёжларни қондириш учун мўлжалланган. Бу қурилмаларда ҳарорат 120 градусга қадар етказилади. Конуссимон қуёш сув иситкичларимиз ҳам содда конструкцияга эга ва арзонлиги билан ажралиб туради. Транспортида бемалол бир жойдан иккинчи жойга кўчириш мумкин бўлган бу қурилма ҳам ҳеч қандай ёнилғисиз, фақат қуёш нури ҳисобига ишлайди.

Бугунги кунда истеъмол учун чиқариладиган озик-овқат маҳсулотлари таркибига қўшиладиган турли хилдаги аралашмаларни назорат қилиш, уларнинг дозасини аниқлаш инсон соғли-

гини ҳимоя этишда, маҳсулот сифатини таъминлашда катта аҳамиятга эга. Озик-овқат тайёрлаш технологияси жараёнининг узлуксизлигини таъминловчи дозатор айна шу вазифани бажаради. Институтимизда ишлаб чиқарилаётган бу қурилма ўз техник кўрсаткичларига кўра, хорижикидан ўтса ўтадики, асло қолишмайди.

Олимларимиз ўта ёруғ энергетик самарадорликка эга бўлган светодиодли ёриткичларни ҳозирда қўлланилаётган чўлғанма лампалар ўрнига тавсия этишмоқда. Янги ишланма электр энергияси сарфини кескин камайтиради ҳамда узок муддат давомида ишлатилади.

Институтимизда саноат қорхоналарини иссиқлик билан таъминлаш мақсадида мужассамланган қуёш энергетик қурилмасини ишлаб чиқиш ишлари ҳам ниҳоясига етиб қолди. Бу ишланманинг сув хайдаландиган ясси коллекторлари ва параболоцилиндрик концентраторларида ҳарорат 300 градусга етказилади...

Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган VI Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси мамлакатимизда замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини, илгор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, муқобил энергетика турларидан фойдаланишга кенг йўл очиб берилаётганлигини яна бир бор кўрсатиб берди. Ушбу анжуманда Фаргона политехника институтининг олимлари ва иқтидорли талабалари ҳам иштирок этиб, 15 дан ортик илмий янгиликларини кўрсатишди. Жумладан, “Кимё техноло-

гияси” кафедраси олимлари томонидан “Фарғонаазот” ОАЖ учун тақлиф қилинган иссиқлик сақловчи пеноизол материали, қишлоқ хўжалигида ўғит ва сув сарфини камайтириш имкониятини берувчи гидроголь маҳсулоти ярмарка иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Шу билан бир қаторда, “Ҳаёт хавфсизлиги” кафедраси олимлари томонидан ишлаб чиқилган ацетон маҳсулоти олишнинг янги технологияси ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Ушбу лойиҳа юзасидан “Фарғонаазот” ОАЖ билан 36 млн. 555 минг сўмлик, Қўқон фосфорли ўғитлар заводи билан эса 50 млн. сўмлик шартномалар имзоланди.

Шунингдек, ярмаркада энергетика факультетимиз олимлари ва талабалари муқобил энергия манбалари ва улар асосида яратилаётган мини электростанциялар, қуёш сув иситкичлари, энерготежамкор светодиодли ёриткичлар, шамол электростанциялари қурилмалари каби инновацион ғоялар ва усуналари билан иштирок этишди. Муқобил энергия манбалари қурилмалари ва жиҳозлари бўйича 75 миллион сўмлик 10 дан ортик шартномалар тўзилди. Умумий ҳисобда институт олимлари томонидан тақлиф қилинган 12 та инновацион лойиҳа юзасидан жами 149 млн. сўмлик шартномалар имзоланди, 3 та инновацион ишланмага ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун 200 млн. сўмлик чет эл гранти бериладиган бўлди.

Айни кунларда институтимиз олимлари муқобил энергия манбалари асосида ишлаб чиқарилаётган жиҳозлар ва қурилмаларни аҳоли талабларига мослаштириш ҳамда уларни етказиб бериш борасида “Адолат” СДП Фаргона вилоят ва шаҳар Кенгаши билан ҳамкорликда ишлар олиб бормоқда. Олимларимиз ва иқтидорли ёш талабаларимиз партия Пленумларида, видеоконференцияларида, семинарларида, фол қатнашиб, аҳоли ўртасида тушунириш ишларини олиб боришмоқда. Бундай амалий ҳамкорлик қутилган самараларини берапти.

Айни кунларда институтимиз олимлари муқобил энергия манбалари асосида ишлаб чиқарилаётган жиҳозлар ва қурилмаларни аҳоли талабларига мослаштириш ҳамда уларни етказиб бериш борасида “Адолат” СДП Фаргона вилоят ва шаҳар Кенгаши билан ҳамкорликда ишлар олиб бормоқда. Олимларимиз ва иқтидорли ёш талабаларимиз партия Пленумларида, видеоконференцияларида, семинарларида, фол қатнашиб, аҳоли ўртасида тушунириш ишларини олиб боришмоқда. Бундай амалий ҳамкорлик қутилган самараларини берапти.

**Анорахон ҚОСИМОВУОВА,** техника фанлари доктори, профессори, «Адолат» СДП Фаргона вилояти Кенгаши аъзоси

## Соғлом турмуш тарзи тарғиботи

Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон вилояти Кенгаши маҳаллаларда спортни оммалаштириш, аҳоли, хусусан, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда ўзининг амалий ишлари билан фаол иштирок этиб келмоқда.

Вилоят партия Кенгаши ташаббуси билан «Аёллар қаноти» ҳамкорлигида ташкил этилган «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи» спорт мусобақаси сўзимиз исботидир.

— Мақсадимиз аҳоли орасида спортни кенг оммалаштириш орқали ҳаётимизда соғлом турмуш тарзини мустаҳкам қарор топтириш ва келажгимиз эгалари бўлган ёшларни ҳар жиҳатдан етук инсон сифатида камолга етказишдир, — дейди вилоят партия Кенгаши раиси Алишер Шодмонов.

Мусобақада Гулбод шаҳарчасида яшовчи Юнусовлар оиласи ўз маҳоратини намойиш этиб, голиб бўлдилар. Бунинг боиси, бу оиланинг ҳар

бир аъзоси ҳаётини спортсиз тасаввур қила олмайди.

— Спорт билан шуғулланиш соғлом турмуш гаровидир, — дейди оила бошлиғи Маъмиржон. — Ёшлардан спорт билан ошноман. Турмуш ўртоғим, фарзандларим ҳам изимдан боришапти. Оилавий спортни ривожлантиришга бўлган эътибор ёшларимизнинг ҳар томонлама соғлом ва кучли бўлишларида муҳим ўрин тутаяди, албатта.

Тадбир якунида иштирокчилар ва голиблар партиянинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Феруз Жўраев,** «Адолат» мухбири

## Ҳамкорлик партия нуфузини оширади

Шу кунларда жойларда Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳудудий ташкилотлари Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлимлари билан ҳамкорликда партия дастурий ғоя ва вазифалари тарғиботини кучайтиришга қаратилган семинар-тренинглр ташкил этмоқда.

Сирдарё вилоятида партиянинг ФЖШМҚМИ вилоят бўлими билан биргаликда ташкил этган “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолияти ва уларнинг маҳаллий партия ташкилотлари ва парламент фракциялари билан ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини давомлатиш мавзусидаги семинар-тренинг мазмуни ва савол-жавобларга бой бўлди.

ФЖШМҚМИ Сирдарё вилоят бўлими раҳбари С.Қудратовнинг “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолияти мониторинги”, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Ф.Райимназаровнинг “Худуддаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда Ўзбекистон “Адолат” СДП депутат-

лик гуруҳларининг роли”, Гулистон шаҳар партия кенгаши раиси В.Тўйчиев ва халқ депутатлари Гулистон шаҳар Кенгаши депутати Р.Сулаймонованинг маърузаларида партия дастурий ғоялари тарғиботи самарадорлигини оширишга қаратилган тақдирлар билдирилди. Жумладан, “Маҳаллий Кенгаш депутатлари тренинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда фаолият юритиши ҳудудлардаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ечимини топишда муҳим эканлиги таъкидланди.

**Азизхон ЭШАНХАНОВ,** Ўзбекистон «Адолат» СДП Сирдарё вилояти Кенгаши матбуот котиби

## Ҳуқуқий маданият мавзусида

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Наманган вилоят ҳудудий бўлими биносига “Аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш — дастурий вазифамиз” лойиҳаси асосида “Инсон манфаатлари — энг олий қадрият” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Ўзбекистон “Адолат” СДП Наманган вилояти Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, партиянинг вилоят Кенгаши ходимлари, шаҳар ва туман кенгашларининг раислари, фаоллар, маҳаллий кенгашларнинг депутатлари қатнашдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ойша Охунова, партиянинг Тўрақўрғон ва Чортоқ туман кенгашлари раислари Ҳабиба Мирабдуллаева ҳамда Жамолдин Эргашев, “Нуроний” жамғармаси Уйчи туман бўлими раҳбари, туман кенгаши депутати Баҳодир Устабоев ва бошқалар мустақиллик йилларида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ҳаётининг барча баҳаларида кенг қамровли, тизимли ва изчил ислохотлар амалга ошириладиганлиги аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданияти даражасига ижобий таъсир кўрсатганини таъкидладилар.

Ҳозирда мамлакатимизда “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури” ҳаётга татбиқ этилмоқда. Унинг негизини инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги миллий ўқитиш ва таълим тизими шакллантирилди. У мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларни, ўрта махсус ва олий ўқув юрталари ўқувчилари ҳамда талабалари, ҳуқуқни муҳофаза қилув-

чи органлар ходимлари ва бошқаларни қамраб олади. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасида узлуксиз таълим ва маърифат тизими фаолият кўрсатмоқда. Таълим муассасаларида “Инсон ҳуқуқлари” ва “Бола ҳуқуқлари” махсус курслари жорий этилганлиги фикримиз далилидир. Улар шубҳасиз, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усули ва воситалари ҳақида билим олишга кўмаклашади.

Шуниси диққатга сазоворки, баркамол авлодни воғра етиши учун зарур шароитлар яратиш, шахс манфаатларини таъминлаш, жамиятнинг бошланғич бўлини — оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва шу йўналишдаги бошқа ишларда сиёсий партиялар, жумладан, “Адолат” СДП аъзолари ҳам фол иштирок этмоқдалар. Улар келажакда мамлакатимизда инсоннинг маънавий салоҳиятини, ҳуқуқий маданиятини ва онгини юксалтириш борасидаги куч-ғайратларини янада оширишлари талаб этилади.

Давра суҳбати якунида аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва саводхонлигини ошириш юзасидан аниқ тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,** Ўзбекистон «Адолат» СДП Наманган вилояти Кенгаши матбуот котиби

# Демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш республика илмий-амалий конференциясининг бош мавзуси бўлди

## Дастур доирасида

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Қонунчилик палатасидаги фракцияси Тошкент давлат иқтисодий университети ҳамкорлигида «Ўзбекистонда демократик жараёнларни чуқурлаштириш — обод турмуш қафолати» мавзусида республика илмий-амалий конференциясини ташкил этди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, республика олий ўқув юрталари профессор-ўқитувчилари иштирок этдилар.

Конференцияни Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси, фракция аъзоси И.Саифназаров «Давлат ҳокимияти очиклиги ва ҳисобдорлигини таъминлашда «Электрон ҳукумат» тизимининг ролини ошириш «Адолат» социал-демократик партиясининг дастурий вазифаси» номи маърузаси билан очди.

— Республикаимизда “Электрон ҳукумат” тизимини шакллантиришнинг бугунги босқичи ўз ичига бир нечта муҳим жиҳатларни қамраб олади, — дея алоҳида таъкидлаб ўрди маърузачи. — Аввало, ахборот коммуникацион технологиялардан кенг фойдаланиш асосида давлат органлари фаолияти самарадорлиги ортади, шунингдек, тақдим этилаётган давлат хизматлари сифати ошади, уларни тақдим қилиш

муддатлари, жараёнлари ва ҳаражатларининг қисқариши, энг муҳими, давлат органлари фаолияти ахборот очиклиги таъминланади.


Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон «Адолат» СДП ўз сайловолди платформасида истиқболда «Электрон ҳукумат»ни шакллантиришни мақсад қилган ва мазкур устувор йўналиш бўйича қатор кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Партиянинг расмий сайтыда “Электрон депутат” минбарининг ташкил этилгани ҳам мазкур саъй-ҳаракатларнинг бир кўринишидир.

Мамлакатимизда давлат органларида электрон имзо орқали электрон ҳужжат алмаштириш, жумладан, банк тизимида электрон тўлов хизматидан фойдаланиш жараёнида фуқаролар ва ташкилотларга ахборот жамиятида фаол иштирок этишга имкон берувчи норматив-ҳуқуқий ва методологик база шакллантирилмоқда. Бунинг учун фуқароларга ахборот

хизмати тақдим қилишнинг ягона стандартлари жорий этилмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий модернизация жараёнлари давлат ҳокимияти органларидан ҳам янги шароитларда ишлашни, аҳоли билан замонавий механизмлар асосида мулоқот қилишни, масалаларни тезкор ва сифатли ҳал этиб боришни талаб этмоқда. Ушбу жараёнда давлат ҳокимияти органлари фаолияти очиклиги ва ҳисобдорлигини таъминлашда замонавий усул ва инновацион технологиялардан фойдаланиб бориш, янги тизимларни жорий этиб бориш муҳим ҳисобланади.

«Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» ғоясини қўллаб-қувватлаган ҳолда, Ўзбекистон «Адолат» СДП вазириликлар ва муассасаларнинг иш сифати тизимсиз ўсиб бориши, қабул қилинаётган қарорларнинг ҳар томонлама чуқур ишланиши, бюрократиянинг барча кўринишлари бартараф этилиши тарафдори. Шу сабабли партия ўзининг сайловолди дастурида бошқарувда ошқораланиш, очиклик ва ҳисобдорлик тамойилларини таъминлаш, фуқаролар ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини ўртасида ахборот алмаштириш жараёнини жадаллаштириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш



га оид муҳим масалалар ечимига доир қарорлар қабул қилиш, мазкур қарорларнинг бажарилишини назорат қилиш жараёнларида жамоатчиликнинг фаол иштирок этишига ёрдам берадиган «Электрон ҳукумат» концепциясини ёқлайди.

Конференция ишида иштирок этган Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси А.Аҳадов, фалсафа фанлари доктори, профессор Б.Алиев, фалсафа фанлари доктори А.Мухтаров, фалсафа фанлари номзоди А.Садиқов барқарор тараққиёт стратегиясида фуқаролик жамияти ривожланишининг сиёсий-ҳуқуқий асослари, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлик механизми, фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида жамоат ташкилотларининг ёшларга йўналтирилган соци-

**Алим ЭШПҲУЛТОВ**

# Зулфия Исломбаева: “Қалб ободлиги — соғлом ҳаёт инъикоси”

Давоми. Бош 1-бетда

— Сиз юртимизда кўза кўринган онколог олима ва шифокорларнинг бирисиз. Шубҳасизки, Узбекистон “Адолат” СДПнинг фаол аъзоларидан бири ҳисобланасиз. Айтинг-чи, партија аъзолари ва дастурий вазифалари ҳаётда ўзининг қандай ифодасини топмоқда?

— Ватан тараққиёти, юрт равнақиға бел боғлаган “Адолат” СДП Узбекистонда амалға оширилётган кучли ижтимоий сиёсатни астойдил қўллаб-қувватлаб, давлат ижтимоий дастурларини бажаришда фаол иштирок этиб келмоқда. Аҳоли турмуш даражасини яхшилашға хизмат қилувчи аниқ саяҳатларни амалға оширяпти. Буни биз партиянинг миллий қонунчиликни такомиллаштириш, инсон ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, “электрон ҳукумат” тизимини яратиш, инновацион лойиҳалар, технологиялар ва ишланмалар, муқобил энергия манбалари каби қатор долзарб соҳаларда амалға ошираётган ишлари самарасида кўрамиз. Бир сўз билан айтганда, партија ўзининг дастури, халқчил ғоялари, ташаббуслари орқали жамиятимиз ҳаётини мустаҳкам ўрин эгаллади. Уз электроти ва хайрихоҳларнинг ишончига сазовор бўлди.

“Адолат” социал-демократик партиясининг жамиятда хотин-қизларнинг ролини ошириш, мақомини кучайтириш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашға йўналтирилган саяҳатлари биз аёлларға, айниқса, манзур бўлмоқда. Партија ўз депутатлари орқали хотин-қизларға таалуқли қонунчиликни янада такомиллаштириб, уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, ижтимоий ҳимоясини кучайтиришға эришмоқда. Яъни, жамиятимиз гултожи бўлган аёлларни давлат ҳокимияти арганлари фаолиятининг барча жаҳаларига жалб этиш, чуқур билим ва касб маҳоратиға эға хотин-қизлар учун янада кенг имкониятлар яратишға астойдил ҳаракат қилмоқда.

Биз соғлиқни сақлаш тизимини ходимларимиз. Бу тизимнинг кўпчилик қисми айнан “Адолат” СДП электорати ҳисобланади. Табийки, пар-


тиямизнинг табийёт соҳасида олиб бораётган ишлари кўпчиликни қизиқтиради. Уз фаолиятининг илк онлариданок аҳолининг кенг қатламларига кўрсатиладиган таббий ёрдам сифатини янада ошириш тарафдори бўлган партиямиз соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишдаги иштирокини тобора кучайтириб бормоқда. Яъни, партија бу борадаги саяҳатларни бепул таббий хизмат кўрсатишни кафолатлайдиган қонунларни ҳаётға татбиқ этиш, давлат соғлиқни сақлаш секторини мустаҳкамлаш, фармакология хизматлари тармогини шакллантириш устидан назорат қилиш, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари доирасида болаларни таббий хизматлар билан таъминлаш тизимини мустаҳкамлаш, болалар парварishi бўйича давлат томонидан ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш масалаларига ўз фаолиятини йўналтиряпти.

— Бугун республикамиз ижтимоий ҳаётининг барча жаҳаларига, жумладан, таббийёт муассасалари замонвий ускуналар билан жиҳозланаёпти.

— 1997 йилдан буён шу таббийёт муассасаси раҳбариман. Кейинги йилларда ҳукуматимиз кўмаги туфайли бу ерда замонвий таббийёт ускуналарига эға бўлган янги лаборатория ва кабинетлар ташкил этилди. Онкологиянинг долзарб муаммолари бўйича илмий-тадқиқот ишлари йўлга қўйилди. Соҳадаги янгиликларни ва илғор фан-техника ютуқларини амалиётға татбиқ этишға ҳаракат қилдик. Диспансеримизда янги ташкил этилган лабораториялари, онко-педиатр, маммолог ва ультратовуш, рентген-диагностика, фиброгастроскопия, бронхоскопия кабинетлари беморларға кўрсатилаётган таббий хизмат сифатини бирмунча оширишға ёрдам берди. Узбекистонда онкология соҳасиға асос солган машҳур шифокор, академик Наримон Муротхўжаев раҳбарлигида 1997-2000 йилларда “Аёллар жинсий аъзолари рақини даволаш-да иммунологик мониторинг” мавзюида илмий-тадқиқот ишлари олиб бордим ва номзодлик диссертациямни ҳимоя қилдим.

— Сиз билим сўхбатлашиб, бежиз “Адолат” СДПни танламаганингизни ҳис этиялми?

— 2009 йили илмий-тадқиқот ишларимни якунлаганимдан кейин Узбекистон “Адолат” социал-демократик партиясини



Кейинги 15 йил мобайнида шифохонамизда гастроэктомия, пульмонэктомия, тотал колэктомия, Ваннах, Дюкен жаррохлик операциялари, тўғри ичакнинг қорин-анал резекцияси муваффақиятли амалға оширилмоқда. Касбий билим, маҳорат ва малакамни ошириш мақсадида Швеция, Россия, Польша, Украина, Франция сингари мамлакатларнинг таббийёт илмий-тадқиқот марказларида илмий сафарда бўлдим. Диспансерда онкологик хасталикларни барвақт аниқлаш ва уларни даволаш бўйича ривожланган мамлакатлардаги сўнгги ютуқ ва тажрибалар билан танишдим. Улардан унумли фойдаланишға ҳаракат қилдим. Онкологиянинг долзарб муаммолари бўйича илмий изланишларимни давом эттириб, 2009 йили таббийёт фанлари доктори, профессор Саримбек Наврозов раҳбарлигида “Гепатоцеллюляр карцинома ва вирусли гепатитлар: келиб чиқиш сабаблари, беморда кечмиш хусусиятлари ва уни даволаш тактикаси” мавзюида докторлик диссертациямни ҳимоя қилдим. 2012 йили республикамизнинг таниқли олимлари билан ҳаммуаллифликда “Гепатоцеллюляр рак ва вирусли гепатитлар” номли монографияни чоп этдик.

— Сиз билим сўхбатлашиб, бежиз “Адолат” СДПни танламаганингизни ҳис этиялми?

— 2009 йили илмий-тадқиқот ишларимни якунлаганимдан кейин Узбекистон “Адолат” социал-демократик партиясини

ға аъзо бўлишға қарор қилдим. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда амалға оширилаётган кенг қўламли ислохотлар муваффақиятини сиёсий партиянинг фаолиятисиз тасаввур этиб бўлмайди. Адолатпарварлик, инсофу диёнат ҳамма замонларда ҳам инсон шахсини улуғлайдиган, унинг ҳаётига маъно ва мазмун бағишлайдиган ахлоқий фазилат бўлиб келган. Юртбошимиз жуда ўринли таъкидлаганларидек, одамлар йўқчиликка, турмуш қийинчиликларига чидашлари мумкин, аммо адолатсизликка чидай олмайдилар. Мен номи ҳам, мақсад ҳам интилиздан ҳам эзгуликдан иборат бўлган “Адолат” социал-демократик партиясини ҳаётимизнинг долзарб муаммолари бўйича илмий изланишларимни давом эттириб, 2009 йили таббийёт фанлари доктори, профессор Саримбек Наврозов раҳбарлигида “Гепатоцеллюляр карцинома ва вирусли гепатитлар: келиб чиқиш сабаблари, беморда кечмиш хусусиятлари ва уни даволаш тактикаси” мавзюида докторлик диссертациямни ҳимоя қилдим. 2012 йили республикамизнинг таниқли олимлари билан ҳаммуаллифликда “Гепатоцеллюляр рак ва вирусли гепатитлар” номли монографияни чоп этдик.

— Сиз билим сўхбатлашиб, бежиз “Адолат” СДПни танламаганингизни ҳис этиялми?

— 2009 йили илмий-тадқиқот ишларимни якунлаганимдан кейин Узбекистон “Адолат” социал-демократик партиясини

маҳалла-қўйда ҳам, меҳнат жамоаларида ҳам одамларға эътиборли бўлиш, уларнинг таълим ва муаммоларига яқинроқ туриш, адолатли бўлиш бизнинг бош мақсадимиз.

Сиёсий партија туфайли мен онколог-шифокор олимаға эмас, балки, фаол шахс сифатида ҳам танилдим. Бутун жамиятимиз, халқимиз учун кераклигимни ҳис этдим. Партиядош дўстларимнинг қўллаб-қувватлаши туфайли 2011 йили халқ депутатлари Фарғона шаҳар Кенгаши депутатлигиға бўлиб ўтган сайловда қатнашиб, 3-Ал-Хоразмий сайлов округидан депутат этиб сайландим.

Сайловчилар ишончини оқлаш, партиямиз ғояларини ҳаётға изчил татбиқ этиш, кам таъминланган, ижтимоий ёрдамға муҳтож кишиларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш бўйича маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этиш депутатлик фаолиятимнинг мазмуниға айналди.

— Касалликни даволагандан олдири олмаш, деган ибора бор. Онкология диспансери жамоаси ва бу ерда фаолият кўрсатаётган БИП фаолиятининг аҳолининг таббий соғломлигини оширишға қаратилган фаолияти ҳақида нима сиз деясиз?

— Ҳукуматимизнинг аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, таббий маданиятни юксалтириш, саратон касалликларининг олдини олиш, унга бар-

вақт диагноз қўйиш бўйича белгилаб берган вазифаларини ҳаётға собитқадамлик билан татбиқ этиямиз. Агар бундан 5 йил аввал кўкрак бези саратони касаллигининг 3, 4-босқичи аниқланган аёллар 60 фоизни ташкил этган бўлса, Ҳозирги кунда бу 30 фоизға ўттири келмоқда. Оммавий ахборот воситалари, хусусан, телекўрсатувлар орқали аҳоли ўртасида олиб борилган тушунтириш ишларининг самараси ўларок, бугунги кунда соғлом аёллар ҳам касалликнинг олдини олиш ва таббий кўриқдан ўтиш учун диспансеримизға тез-тез муурожаат этияптилар.

2006 йили вилоятда “Сут бези рақи” бўйича скрининг программаси ишлаб чиқилди ва вилоят бўйича 890 мингдан ошқ хотин-қизлар кўриқдан ўтказилди. Ҳозирги пайтда диспансерда “Ошқозон ва кизилўнғач рақи профилактикаси ва уни эрта босқичларда аниқлаш”, “Баҳадон бўйни рақи профилактикаси ва уни эрта босқичларда аниқлаш” бўйича анкеталар ишлаб чиқилди ва вилоятимиз туманларидаги қўллаб-қувватлаш таббий кўриқдан ўтказилди.

Вилоят онкология диспансери жамоасининг кейинги йилларда аҳоли репродуктив санолатлигини мустаҳкамлаш, рак касалликларини барвақт аниқлаш борасида эришган ютуқлари давлат ва нодавлат ташкилотлар томонидан муносив тақдирланди. Жумладан, 2012 йили “Узбекистон маданияти ва санъати форуми” жағмармаси, “Ҳаёт учун!” кўкрак бези саратонига қарши миллий уюшма томонидан диспансеримизға гоят қулай ва керакли бўлган “Damas ambulance” энгил автомобили ва универсал операция столи соғға қилинди. Ана шу қувончли воқеа жамоамизни эзгу ва савобли ишларға рағбатлантирди. Эндиликда диспансеримизнинг маммолог, гинеколог, онкохирург, УЗИ мутахассисидан иборат шифокорлар бригадаси вилоятимиз туманларига тез-тез чиқиб, аёлларни таббий кўриқдан ўтказиш, уларға малакали хизмат кўрсатиш имконига эға бўлдилар.

Вилоятимиз онколог-шифокорларининг аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида орттирган тажрибаси ва эришган ютуқларини хориждаги ҳамкасблар билан ўртоқлаштириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишға оид муҳим масалалар ечимига доир қарорлар қабул қилиш, мазкур қарорларнинг бажарилишини назорат қилиш жаҳалларида жамоатчиликнинг фаол иштирокиға ёрдам берадиган “электрон ҳукумат”ни ривожлантириш бўйича амалға оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлайди. Қолаверса, бу партиямизнинг дастурида муҳим вазифалар сифатида белгиланган.

Ҳаётий заруриятға айланди. 2012 йили Франциянинг Париж шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон онкологларининг халқаро конференциясида қатнашиб, “Фарғона вилоятида 2001-2010 йилларда ошқозон касалликлари динамикаси” мавзюида маъруза қилдим.

— Бундан кўриниб турибдики, “Адолат”нинг адолатли аёли бўлиш осон иш эмас, шундайми?

— Албатта. Фаол аёлларнинг бири сифатида аввало жамиятимизда руй бераётган ўзгаришларни тула қўллаб-қувватлайман. Қолаверса, шундай ўзгаришларда фаол иштирок этишни ўзининг инсоний бурчим, деб ҳисоблайман. Бугунги куннинг замонвий аёли бўлиш учун ўз касбим ва соҳам бўйича самарали меҳнат қилиш билан бирға оиланг ва ён атрофингдаиларнинг ҳам таъсири, албатта, зарур, деб ҳисоблайман. Аёлнинг ўрни фақат оилада, унинг қисмати уй бекаси бўлиш, бола туғиш ва бола боқишдан иборат, деган алмисокдан қолган қоқоқ тушунчалар миллий тараққиётимизға имкон бермайди. Ҳар бир аёлнинг ҳам она, ҳам замонвий фаол аёл бўлиши — бу давр талаби!

— Обод турмуш йилини фарғоналиклар қўғилларидаги ободликдан бошлайдилар. Буни биз вилоятдаги улкан бунёдкорлик ишлари тимсолида кўриб туришимиз.

— Дарҳақиқат, вилоятимизда амалға оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳар бир одамни, ҳаттоки, ўзимни ҳам ҳаяжонға соляпти. Ана шу ободчилик ишларида фаол иштирок этиш ҳар биримизнинг виждон амримизға айланган, десак асло хато бўлмайди. Юртин турмушнинг ободчилиши аввало инсон қалбини обод қилишдан бошланади. Инсон қалбини обод қилишда барча зиёлиларнинг, айниқса, шифокорларнинг олдида гоят маъсулиятли вазифалар турибди. Менинг назаримда оила, Ватан, халқимиз олдидаги ота-оналик, фуқаролик ва фарзандлик бурчимизни сидқидилдан адо этиш, юрдошларимизни оқилон ва соғлом ҳаёт кечиршиға даъват этиш — инсон қалбини обод этишдир.

Сўхбатдош: Рустам АХМАДАЛИЕВ, “Адолат” муҳбири

# «Электрон ҳукумат» жамоатчилик назоратининг асоси

Назорат-таҳлил

Давлатимиз раҳбари 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилға мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида ахборот-коммуникация соҳасидаги чора-тадбирлар ва лойиҳалар, шу жумладан, электрон ҳужжат айланиши ҳамда электрон рақамли имзонинг асоси ҳисобланган «электрон ҳукумат» тизимини шакллантиришға оид комплекс дастурни амалға ошириш муҳимлигини таъкидлаган эди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси йиғилишида мазкур йўналишдаги устувор вазифалар ҳақида сўз борди. Жумладан, унда қўмитанин «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонуннинг «Узбекистон» ДАК ва «Ерғодезказдастр» давлат қўмитаси тизимларида ижроси муҳим бўлади. Бу эса муқаддам ўтказилган назорат-таҳлил фаолияти якунларидан келиб чиқиб, электрон ҳужжат айланиши ва электрон рақамли имзондан фойдаланиш тизими-

қонун нормаларининг ижроси ўзига хос долзарбликни касб этади. Қўмита ишчи гуруҳи томонидан «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонун нормаларининг ижросини ўрганиш натижасида «Узбекистон» ДАК ва «Ерғодезказдастр» давлат қўмитаси тизимларида ушбу йўналишда муайян иш олиб борилганлиги аниқланди. Жумладан, ишлаб чиқилаётган «Электрон ҳукумат» давлат интерактив хизматларининг ягона платформуסיға талаб қилинган даражада мувофиқ келадиган муайян ахборот тизимлари ва ресурслари яратилган, интернет тармоғида ташкилотнинг махсус веб-сайти ишлаб чиқилиб, ахборот ресурслари билан фаол равишда тўлдирилмоқда («Ерғодезказдастр» давлат қўмитаси — www.ygk.uz, «Узбекистон» ДАК — www.uzbekenergo.uz). Электрон ҳужжатлар алмашиш тизими жорий этилган.

Тўлов тизимлариға боғланган электр энергиясидан фойдаланувчиларни автоматлаштирилган тарзда ҳисобға олиш ва улар билан ҳисоб-китоб қилиш бўйича «Электрхисоб» шахсий кабинети ахборот тизимининг идоровий биллинг ахборот тизими татбиқ этилиши «Узбекистон» ДАКда ахборотлашти-

риш соҳасида амалға оширилган муҳим лойиҳалар қаторига киритилиши лозим. «Узбекистон» ДАКда ахборот ресурсларидан фойдаланишни таъминлаш учун «Электрхисоб» ШК АТ яратилди. У «Узбекистон» ДАК сайтыда маиший ва юридик фойдаланувчининг шахсий кабинетига боғланган ва On-Line-технологияси асосида фойдаланувчи билан электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилишға доир ахборотни реал вақт режимида тезкор олиш имконини беради, турли тўлов тизимлари орқали электрон тўловлар қабул қилинди.

Узбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартда қабул қилинган «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг давом эттириш ва ривожлантиришға доир чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорини ижро этиш мақсадида «Ерғодезказдастр» давлат қўмитаси тизимининг <http://odnokno.uz/gu/> сайтыда «бир дарча»да рўйхатдан ўтишининг (кадастр ва рўйхатға олиш) тизими интерактив хизматларининг дастлабки версиялари амалға оширилгани, айниқса, эътиборлидир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, «Ахборотлаштириш тўғриси-

да»ги қонун нормалари талабларини сўзсиз бажариш доирасида «Ерғодезказдастр» давлат қўмитаси ва «Узбекистон» ДАК фаолиятини янада такомиллаштириш лозим. Хусусан, мавжуд ахборот ресурсларини инвентаризация қилиш бўйича ишларни мақбуллаштириш, фойдаланиладиган ахборот тизимларидаги техник воситаларни сертифицирлаш, фойдаланиладиган ахборот тизимлари ва ахборот ресурслари ҳимоясини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларға, шу жумладан, электр тўловлар тизимидан фойдаланган ҳолда кўрсатиладиган интерактив хизматлар сифатини ошириш ва қўламини янада кенгайтириш, шунингдек, ташкилотлар аппарати мутахассисларининг компьютер саводхонлиги савиясини ошириш, ахборот хавфсизлиги чора-тадбирларини таъминлаш масалалари шулар жумласидандир.

Назорат-таҳлил якунлариға бағишланган ушбу тадбирда ахборот тизимларини экспертизадан ўтказиш, АКТни татбиқ этишни фаоллаштиришда кўмак бериш, кадрларни ўқитиш, компьютер саводхонлигини ошириш, «Узбекистон» ДАК ва «Ерғодезказдастр» давлат қўмитаси тизимида электрон ҳужжат айирбошлаш тизимларини ах-

боротлаштириш, ахборот ресурсларидан ва ахборот тизимларидан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишда ваколатли орган ҳисобланган Узбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасиға татбиқ этиш тавсия этилди. Шунингдек, қўмитанин «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Узбекистон Республикаси Қонуни нормалари талабларини сўзсиз бажаришға ва «Узбекистон» ДАК ва «Ерғодезказдастр» давлат қўмитаси фаолиятида замонвий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш жаҳалларини ривожлантиришға қаратилган тегишли қарорлари қабул қилинди.

Бошқарувда ошқоралик, очиклик ва ҳисобдорлик тамоилларини таъминлаш заруриятини илгари суриб келётган Узбекистон «Адолат» СДП ушбу принципларни таъминлашға қаратилган муайян давлат дастурларини, жумладан, фуқаролар ҳақида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўртасида ахборот алмашинувини жадал-



лаштириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишға оид муҳим масалалар ечимига доир қарорлар қабул қилиш, мазкур қарорларнинг бажарилишини назорат қилиш жаҳалларида жамоатчиликнинг фаол иштирокиға ёрдам берадиган «электрон ҳукумат»ни ривожлантириш бўйича амалға оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлайди. Қолаверса, бу партиямизнинг дастурида муҳим вазифалар сифатида белгиланган.

Мухтасар айтганда, «электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш фуқаролар ва давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари ўртасида ахборот алмашинувини тезлаштириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг долзарб масалалари бўйича қарорлар қабул қилишға кенг жамоатчиликни жалб этиш, уларнинг ижроси юзасидан жамоатчилик назоратини амалға оширишда катта аҳамиятға эға.

Раъно ГАЙМОВА, Узбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси

# Хуқук

## Акциядорлик жамиятлари: янги меъёрлар

### Қонунчилик

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунни танқидий қайта кўриб, янги тахрирда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳамда унда корпоратив бошқарув ва назорат органларининг ваколатлари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини янада аниқ белгилаш, қонундаги акциядорлик жамиятларининг Кузатувчилар кенгашлари, умумий йиғилишлари, тафтиш комиссияларининг роли ва аҳамиятини ошириш, миноритар, қўлида акцияси кам бўлган акциядорларнинг кафолатларини таъминлаш, барча акциядорлар ва бўлажак инвесторларнинг акциядорлик компаниясининг фаолияти тўғрисида ахборот олиш имкониятларини кенгайтиришни кўзда тутиш каби мақсадлар таъкидланган.



Маълумки, янги тахрирдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси айнан, мазкур Концепция талаблари асосида ишлаб чиқилган.

Ушбу қонун лойиҳасининг асосий мақсади республикада корпоратив бошқарув тизимини янада ривожлантириш, акциядорларнинг, жумладан, миноритар акциядорларнинг ҳуқуқий ҳимояланганлигини таъминлаш, акциядорлик жамиятларидаги бошқарув ва назорат органларининг роли ва аҳамиятини ошириш, шунингдек, акциядорлар ва потенциал инвесторлар учун акциядорлик жамиятининг фаолияти тўғрисидаги ахборотлар ошқоралигини таъминлашдан иборат.

Акциядорлик жамиятларини, уларнинг фаолиятини ташкил этиш ва тугатиш ҳамда акциядорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш мақсадида мазкур қонун лойиҳасининг асосий йўналишдир.

Қонун лойиҳаси 13 та бўлим, 118 та моддадан иборат бўлиб, унда бир неча муҳим йўналишлар бўйича қоида ва нормалар ўз аксини топган. Жумладан, лойиҳада акциядорлик жамиятларининг шакллари, яъни очик ва ёпиқ ак-

циядорлик жамиятларини чиқариб ташлаш кўзда тутилмоқда, шу билан бирга акциядорлик жамиятлари томонидан чиқариладиган акцияларни очик ва ёпиқ обуна йўли билан жойлаштириш мумкинлиги тўғрисидаги нормалар киритилмоқда, бу билан акциядорлик жамиятларидаги бошқарув органларининг ваколатлари, ҳуқуқлари ва жавобгарлиги билан боғлиқ нормалар белгилаб берилган.

Хусусан, Кузатув кенгашининг роли ва жавобгарлигини ошириш мақсадида лойиҳага ушбу кенгашнинг йирик битимлар тузиш бўйича қарорлар қабул қилиш, жамият устав фондини ошириш, устав фонд ошиши муносабати билан низога қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш, аудиторлик ташкилотини танлаш ва унга тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш, жамиятнинг ички назорат органлари ҳисоботини тинглашда ҳуқуқларини кенгайтириш меъёрлари киритилган.

Шунингдек, қонун лойиҳасида ягона акциядорга эга бўлган жамиятларда жамият устави асосан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатлари кузатув кенгашига берилиши мумкинлиги белгиланган ва жамият ижро органининг мажбуриятлари ҳамда ҳуқуқларини аниқ белгилаш мақсадида би-

тимлар тузишда жамият ижро органининг ваколатларини ва мажбуриятларини аниқлаштирувчи меъёрлар киритилган. Шу билан бирга, жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ёки кузатув кенгашининг қарорларини сурункали равишда бажармаслик ижро органи билан тузилган шартномани тугатиш (беқор қилиш)га асос бўлиши белгиланмоқда. Мазкур норма орқали жамиятнинг коллегиял ижро органи аъзолари билан шартномаларни тузиш тартиби, яъни коллегиял ижро органи аъзосининг функционал мажбуриятларини бажариши, шунингдек, унинг коллегиял ижро органи аъзоси сифатида келиб чиқадиган мажбуриятлари ва коллегиял ижро органининг жамиятга етказилган зарар бўйича жамият ва акциядорлар олдидаги жавобгарлиги аниқлаштирилмоқда. Бундан ташқари, жамият тафтиш комиссиясининг роли ва жавобгарлигини ошириш мақсадида комиссия аъзоларига малакавий талаблар ўрнатилиши ва бир шахсоннинг тафтиш комиссияси аъзоллигига кетма-кет икки мартадан ортқ сайланишига чеклов ўрнатилиши кўзда тутилган.

Мазкур қонун лойиҳасининг аҳамиятга молик томонларидан яна бири, бу миноритар акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоялаш

кафолатлари ҳақидаги нормаларнинг киритилаётганидир.

Таъкидлаш жоизки, акциядорлар умумий йиғилишида йирик акциядорларнинг иштирок этмаслиги ва бунинг оқибатида қворум мавжуд бўлмаслиги оқибатида йиғилиш ўтказилмаслиги ҳолатлари учрамоқда. Бу нафақат жамиятнинг молия-ҳўжалик фаолияти, балки ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ корпоратив қарорларни ўз вақтида қабул қилинмаётганлигига сабаб бўлмоқда. Айнан шу каби муаммоларни бартараф этиш мақсадида халқаро тажрибалар асосида қонун лойиҳасида акциядорларнинг янги қақирилган умумий йиғилишида иштирок этувчиларни рўйхатга олиш туганган пайтга келиб, жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларнинг жами 50 фоиздан кам бўлмаган овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вақиллари) рўйхатга олинган бўлса, бу умумий йиғилиш ваколатли ҳисобланши тўғрисидаги меъёр киритилмоқда.

Айниқса, қонун лойиҳасига акциядорлик жамиятлари томонидан фонд биржаси сайтида жамиятнинг устави, унга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар матнининг чоп этилиши мажбурийлиги тўғрисидаги меъёрнинг ҳамда акциядорлар ва потен-

циал инвесторлар учун акциядорлик жамиятининг фаолияти тўғрисидаги ахборотларнинг жамият томонидан ошқор қилиниши кўзда тутувчи моддаларнинг киритилиши «Адолат» СДП партиясининг дастуридаги бошқарувда ошқоралик, очиклик ва ҳисобдорликни таъминлаш тамойилларига тўла мос келади.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши акциядорлик жамиятлари фаолиятини янада такомиллаштириши ҳамда улардаги бошқарув ва назорат органларининг жавобгарлигини оширади, миноритар акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоялаш институти яратди, акциядорлар ва потенциал инвесторлар учун акциядорлик жамиятининг фаолияти тўғрисидаги ахборотлар олишига кенг имконият беради.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, мазкур қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг яқинда бўлиб ўтган ялпи мажлисида муҳокама этилиб, биринчи ўқишда қабул қилинди ва ҳозирда иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида уни янада такомиллаштириш устида иш олиб борилмоқда.

**Мавлуда НИШОНОВА,**  
Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси

### Адлия почтасидан

Жиззах вилояти Адлия бошқармаси томонидан Конституция ва қонунлар билан мустахкамланган инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш соҳасида жорий йилнинг биринчи чорагида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

## Фуқаролар манфаатини кўзлаб

Бошқарма томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида фуқаролардан келиб тушган 71 та шикоятнинг 30 таси кўриб чиқилиб, уларнинг 24 таси қаноатлантирилган, ушбу қаноатлантирилган шикоятлар юзасидан тегишли идоралар раҳбарлари номига 12 та тақдимнома, 2 та кўрсатма, судларга 33 та даъво аризаси киритилган, жаноат ишлари бўйича судга маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан битта тақлиф берилган.

Жумладан, Жиззах тумани, Пахтабод ҚФДА яшовчи фуқаро Н.Ҳазратқулловнинг ҚФЙ томонидан ҳудуддаги эҳтиёжманд оилаларга тайинланган моддий ёрдам кам миқдорда тўланаётганлигидан шикоят қилиб бошқармага ёзган мурожаати ўрганиб чиқилди. Ўрганиш натижасида ҚФЙ ҳудудидаги «МЦ Восток» шўба корхонаси томонидан иш ҳақи тўлаб берилмаётганлигидан норози бўлиб вилоят Адлия бошқармасига ёзган шикояти ўрганиб чиқилди. Ўрганиш натижаси бўйича фуқарога иш ҳақларининг тўлиқ тўлаб берилиши таъминланди.

Шунингдек, Жиззах туманида яшовчи фуқаро А.Джумановнинг қизи Д.Абдуллаевага алимент тўловчи М.Абдуллаев шикобидан жўнатилган 280 минг сўм алимент пуллари Учтепа почта алоқа тармоғи томонидан вақтида берилмаётганлиги юзасидан вилоят Адлия бошқармасига ёзган мурожаати ўрганиб чиқилди. Натижада почта алоқа тармоғи томонидан алимент пуллари тўлиқ тўлаб берилди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, фуқаролар мурожаатлари вилоят Адлия бошқармаси томонидан доимий назоратга олиниб, фуқароларга қонуний тартибда амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

газ» филиали мансабдор шахсига нисбатан маъмурий жавобгарликка тортиш масаласини ҳал этиш ҳақида жаноат ишлари бўйича Жиззах шаҳар судига тақлиф киритилди. Суд ишни кўриб чиқиб, унга нисбатан маъмурий жарима қўллаш ҳақида қарор чиқарди.

Бундан ташқари, Зафаробод туманида яшовчи фуқаро Д.Ўтамановнинг «Восток ЛТД» га қарашли Зафаробод тумани Х.Турғунбоев ҚФЙ ҳудудидаги «МЦ Восток» шўба корхонаси томонидан иш ҳақи тўлаб берилмаётганлигидан норози бўлиб вилоят Адлия бошқармасига ёзган шикояти ўрганиб чиқилди. Ўрганиш натижаси бўйича фуқарога иш ҳақларининг тўлиқ тўлаб берилиши таъминланди.

Шунингдек, Жиззах туманида яшовчи фуқаро А.Джумановнинг қизи Д.Абдуллаевага алимент тўловчи М.Абдуллаев шикобидан жўнатилган 280 минг сўм алимент пуллари Учтепа почта алоқа тармоғи томонидан вақтида берилмаётганлиги юзасидан вилоят Адлия бошқармасига ёзган мурожаати ўрганиб чиқилди. Натижада почта алоқа тармоғи томонидан алимент пуллари тўлиқ тўлаб берилди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, фуқаролар мурожаатлари вилоят Адлия бошқармаси томонидан доимий назоратга олиниб, фуқароларга қонуний тартибда амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

**Н.ТАЙЛОНОВ,**  
Жиззах вилоят Адлия бошқармаси Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи

# Эртамиз эгаларининг муносиб келажаги таъминлаши борасидаги ғамхўрликлар ўз самарасини бермоқда

### Таълим

Ҳар бир халқ, ҳар бир миллатнинг эртанги кунни бугун вояга етаётган авлод тақдирини билан узвий боғлиқдир. Мамлакатимизда истиқлолнинг илк йиллариданоқ таълим тизимини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб, ўғил-қизларимизнинг жаҳон андозаларига мос шароитларда билим олишини, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук инсонлар бўлиб улғайишини таъминлаш, қобилият ва иқтидорини, интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш, қалбида онс-юртга садоқат ва фидойилик туйғуларини шакллантириш борасида амалга оширилаётган беқиёс сазй-ҳаракатлар замирида ҳам ана шу эзгу мақсад мужассам.

Қарши шаҳридаги 21-умумтаълим мактаби маъмурияти билан сўхбатимиз айнан таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар, яратилаётган шарт-шароитлар, уларнинг натижалари хусусида бўлди.

— *Албатта, қайси соҳада бўлишдан қатъи назар, кўзда тутилган марралар, орзу-ниятларнинг рўёба чиқиши учун унинг қонуний асослари яратилиш бўлиши лозим. Шундай эмасми?*

**Ороста ТОШЕВА,**  
мактаб директори:

— Жуда ҳам тўғри. Бу борада мамлакатимизда мустахкам ҳуқуқий асос яратилган деб бемалол айтишимиз мумкин. Фуқароларимизнинг сифатли таълим олишига оид ҳуқуқлари, аввало, Конституциямиз орқали мустахкамлаб қўйилган. Жумладан, Асосий Қонунимизнинг 41-моддасида «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади», дея қайд этилган. Ана шу тамойилдан келиб чиқиб, ўтган йиллар давомида таълим тизимини ислох қилишга қаратил-

ган бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди. «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимининг ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ҳаётага изчил татбиқ этилиши тўғрисидаги умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежаларининг қиёфаси кўрақлаштириб, уларнинг моддий-техник базаси мустахкамланди. 12 йиллик мажбурий таълимнинг жорий этилиши ёшларнинг чуқур билим эгаллаши, қизиқиши, имконияти ва салоҳиятидан тўлиқ фойдаланган ҳолда муносиб касб танлаши, шу орқали жамиятда ўз ўрнини топишида муҳим омили бўлмоқда.

Бугунги кунда биргина вилоятимизда 1118 та умумтаълим мактаби фаолият юритмоқда. Мактаб таълимининг ривожлантириш Давлат умуммиллий дас-

турини амалга ошириш доирасида 2004-2009 йилларда вилоятимиз бўйича 300 дан зиёд мактаб қурилди ва капитал таъмирланди. Уларнинг аксарияти қишлоқларда жойлашган. Ушбу мақсадлар учун биргина ўтган йили 24 миллиард 578 миллион сўм сарфланди. Гарчи Давлат дастурида қамраб олинган вазифалар адо этилган бўлсада, вилоятимизда умумтаълим мактаблари қуриш ва уларнинг моддий-техник базасини мустахкамлаш билан боғлиқ ишлар изчил давом эттирилмоқда. Масалан, ўтган йили энг замонавий ўқув ва лаборатория жиҳозлари билан таъминланган 2 та янги мактаб барпо этилди, 39 та илм маскани реконструкция қилинган бўлса, 9 та мактаб эса капитал таъмирланди.

Мактабимиз ҳам мустақиллик шарофати билан барча қўлайликларга эга таълим масканига айланди. Энг замонавий жиҳозлар билан жиҳозланган. Ҳуқуқ-компьютер синфлари, лаборатория хоналари ташкил этилди.

Ўртимизда таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган улкан ишлар ўзининг ижобий натижаларини бераёпти. Мактабимиз ўқувчи-ёшлари ҳам ўтказилаётган нуфузли фан олимпиадалари, кўрик-танловларда энг юқори натижаларга эришаётгани «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» деган эзгу ғоя ҳаётида ўзининг ёрқин рўёбинини топаётганидан далолатдир. 1995 — 2012 йиллар давомида ўқувчиларимиз кимё, биология, физика, математика, информатика ва хорижий тил фанларидан нуфузли танловларда катнашиб, мактабимиз шаънини ҳимоя қилиб келишмоқда. Ўқувчиларни фан олим-



пидаларига тайёрлашда Муҳайё Тўхтаева каби фидойи мураббийларимизнинг ўрни катта.

— *Қундалик ҳаётишимизда жисмоний маданиятнинг ўрни беқиёс. Шу тўғрисида Юртбошимиз «Соғлом, билимли ва фидойи фарзандлари бўлган халқ, албатта, ўзининг буюк келажагини барпо этади», дея таъкидлаб, мамлакатимизда, соғлом авлодни шакллантириш мақсадида узлуксиз таълим билан бир қаторда, болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда. Бу борада таълим масканида қандай ишлар амалга оширилмоқда?*

**Турсун АХМЕДОВ,**  
Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари:

— Шубҳасиз, соғлом турмуш тарзини таъминлашда энг яхши восита, бу — жисмоний тарбия

ва спортни ривожлантиришдир. Шунинг учун болалар, айниқса, қизларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб этиш мактабимиз фаолиятида муҳим ўрин тутиб келмоқда. Бу борада спортнинг кураш, теннис ва стол тенниси, бадий гимнастика, бадминтон, волейбол, футбол каби кўплаб турлари бўйича турли мусобақалар ташкил этилмоқда. Ҳозирги кунда мактабимизда спортнинг 10 тури бўйича тўғрақлар ташкил этилган бўлиб, уларда 100 нафардан зиёд ўқувчилар ўзлари қизиққан спорт турлари билан шуғулланиш имкониятига эга.

Шуниси қувонарлики, бундай сазй-ҳаракатлар ўз самарасини бераётди. Йигит-қизларимиз турли спорт мусобақаларида муносиб иштирок этиб, ҳеч кимдан кам эмаслигимизни ис-

ботламоқдалар. Сиҳат-саломатлик — ҳар биримизнинг бебаҳо бойлигимиздир. Шу боис мактабимизда ёшларнинг тиббий маданиятини юксалтириш, кенг жамоатчилик орасида соғлом турмуш тарзи тарғиботини курайтириш масаласига алоҳида эътибор билан ёндашилмоқда. Айниқса, бу борадаги ишларда бизга Ўзбекистон «Адолат» СДП Қашқадарё вилояти Кенгаши яқин кўмақдош бўлмоқда. Хусусан, «Адолат»чилар билан биргаликда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларни жисмоний тарбия ва спортга оммавий жалб этиш мақсадида «Обод ва мустақил Ватанга муносиб фарзанд бўлайлик!» шiori остида спорт фестивали ўтказдик.

— *Мамлакатимизда истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида ёш авлодни баркамол*

*этиб тарбиялаш, улар қалбида Ватанга садоқат, қадриятларга чуқур эҳтиром туйғусини синдиришга алоҳида эътибор қаратиб келилмоқда. Бу каби эзгу мақсадларга эришишда эса илм ўрганиши, хусусан, китобга ошно тутинишнинг аҳамияти беқиёс.*

**Махзуна БҮРНЕВА,**  
мактаб кутубхона мудириси:  
— Дарҳақиқат, китоб — илм дурдоналарини тўплаб, авлодларга етказувчи маънавий бойлик ҳисобланади. Шу боис халқимиз китобни энг содиқ дўст ва маслакдош, деб билади. Мактабимиз кутубхонаси ҳам ана шундай маънавий дурдоналарини ўзида мужассам этган зиё масканларидан бирига айланган.

Китоб фондимиз 14 минг 500 нусхадан зиёд. Яқинда «Адабиётга эътибор — келажакка, маънавиятга эътибор» китоблар кўргазмасини ташкил этдик. Унда барча фанларга оид кўплаб китоблар намойиш этилди. Ўқувчиларнинг китобга ошно тутинишига алоҳида эътибор қаратаёلمиз. Мактабимизда ахборот-ресурс маркази ташкил этиш устида ишлар олиб борилаёпти. Ҳозирги вақтда мактабимиз ZyoNet электрон-ахборот тармоғига уланган. Ўқувчиларимизнинг маънавий эҳтиёжларини қондиришда замонавий ахборот технологияларидан ҳам самарали фойдаланишга эътибор қучайтирилди.

Умуман, кутубхонамизда яратилган шарт-шароитлар ёшлар истиқболли, уларнинг таълим-тарбияси йўлида давлат томонидан кўрсатилаётган улкан меҳр-эътиборнинг ёрқин ифодасидир.

Сўхбатдош: **Олия ТҲҲАЕВА**



## **БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ**

**В**

**бахтли келажагимиз тимсоли,  
ҳаётимиз мазмуни — жажжи кичкинтойларни  
1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни  
билан чин дилдан қутлайди!**

**Мустақил юртимизнинг азиз ва бахтиёр фарзандларига  
соғлиқ, шоду хуррамлик тилаймиз.**

**Гулгун чеҳраларингиздан табассум аримасин,  
болалик қувончи ҳеч қачон тарк этмасин,  
истиқболингиз порлоқ бўлсин!**



# «ШҮРТАНГАЗКИМЁ»



**мажмуаси жамоаси**

**эртанги кун давомчилари бўлмиш  
жажжи фарзандларимизни**

**1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни  
билан чин қалбдан табриклайди!**



**Бахтимизга  
доим кулиб-  
яшнаб юринг,  
азиз  
болажонлар!**



**ҲАР БИР БОЛА ЭЪТИБОР ВА ЭЪЗОЗДА  
БУЛГАН ДИЁРИМИЗ ОСМОНИ МУСАФФО БУЛСИН!**

## «КВАРЦ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

**жаннатмакон юртимизда яшаётган  
барча кичкинтойларни**

**1 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ  
ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ  
билан самимий табриклайди.**

**Янги авлод жисмонан ва ақлан баркамол бўлиб  
вояга етиши, юртимиз довуғини оламга таратиши,  
улуғ аждодларимизнинг муносиб вориси эканини  
амалда намоён этишига тилақдошимиз.**

«Кварц» акциядорлик жамияти ва касаба уюшма кўмитаси жорий йилда жамоада меҳнат қилаётган 2200 нафар ишчи-ҳодимларнинг фарзандлари ёзги таътилини мароқли ўтказиш, уларни соғломлаштириш юзасидан бир қанча тадбирларни режалаштирган.

Жумладан, Қувасой шаҳридаги «Ниҳол» болалар соғломлаштириш оромгоҳида 150 нафар, Фарғона туманидаги Т.Сотволдиев номли болалар соғломлаштириш оромгоҳида эса 100 нафар болажонларни дам олдириш кўзда тутилган. Хуллас, жажжи ширинтойларимизнинг ёзги таътили қувончли ва мазмунли ўтади.



Болалар ижодидан

### Бобожон

Ифтихорим ҳам шодлигим ўзингиз,  
Ҳикматларга тўла ҳар бир сўзингиз,  
Қўёш каби нур сочарди юзингиз,  
Гуруримиз сиз бизларнинг, бобожон!

Елкангизда тугиб дунё ташвишин,  
Ишладингиз болалар деб сиз бетин,  
Бинадингиз неди ҳасад, неди кин,  
Суруримиз сиз бизларнинг, бобожон!

Ҳаётингиз ҳаммамизга зўр ибрат,  
Сиздек бўлоқ бизга шарафдир албат,  
Инсон ўтар, хотира мангу фақат,  
Армонимиз сиз бизларнинг, бобожон!

Зарина БАРАТОВА,  
Зарафшон шаҳридаги 10-мактаб  
ўқувчиси

Рақамли

Фарғона вилояти Адлия бошқармаси томонидан «Адолат» газетасининг 2013 йил 24 май №21 (932) сонидан Фарғона шаҳар, Аэропорт (М. Хасанова) кўчасида икки (2) қаватли Давлат нотариал идорасини қуриш бўйича танлов савдоси ўтказилиши тўғрисида чоп этилган эълондаги:

Қурилиш ишлари: Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади жумласи ўрнига; **Қурилиш ишлари:** Адлия вазирлиги хусусий маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади деб, тузатиб ўқилсин.

**САВДО ТАШКИЛОТЧИСИ:**

Фарғона вилояти қурилиш-да танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

**МАНЗИЛ:**

Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Темирийўлчилар кўчаси, 37-уй.

**ТЕЛЕФОН:**  
8(373) 224-18-71.

Хизматлар  
лицензияланган.



**«7-АВТОКОРХОНА»  
очиқ акциядорлик жамияти**

**«D» тоифага эга бўлган  
ҳайдовчиларни ишга қабул қилади.**

Ўртача ойлик иш ҳақи «Мерседес-Бенц» автобуси ҳайдовчилари учун 750-800 минг сўм.

Ўртача ойлик иш ҳақи «Исузу» автобуси ҳайдовчилари учун 500-600 минг сўм.

Чипта сотувчилар учун ўртача ойлик иш ҳақи 250-300 минг сўм.



Телефонлар:  
279-95-34,  
279-95-31.



**Манзил: 100161, Тошкент шаҳри,  
Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 49-уй.**

**ADOLAT**

ижтимоий-сиёсий газета



Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Таҳрир хайъати: Директор ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмол САНФНАЗАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Зухра БОТИРОВА, Светлана ОРГИКОВА, Илҳол МИРЗО, Мамазоир ХУҲАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖУРАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МУМИНОВ.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Абдували САЙБНАЗАРОВ

Бўлимлар: Партиясиз турмуш ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Ахборот, хатлар ва линконтлар билан ишлаш бўлими — 288-46-64 (146); Маънавият ва маданият бўлими 288-46-64 (151); Қабулхона — 288-42-23; 288-46-64 (141) факс; Котибиёт — 288-46-64 (144).

Навбатчи муҳаррир — Ф.ЭСОНОВ. Навбатчи — Ф.ЖУРАЕВ

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят руҳсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Таҳририят маъноси: 100043,  
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани  
«Шарк тоғи» кўчаси, 23-уй.  
info@adolatgz.uz  
adolat\_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

«Шарк» НМАК босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г — 500. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 12447. Босишга топшириш вақти — 20.50. Босишга топширилди — 21.50

1 2 4 5

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2013-5217



Ўзбекистон «Адолат» СДП Фарғона вилояти Кенгаши халқ депутатлари Олтиариқ туман Кенгаши депутаты **ЮСУБЖОН ОЛИМОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига қуқур таъзия изҳор этади.